

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



**“Судларда прокурор ваколатини таъминлаш”
кафедраси
“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси
МУХТОРОВ МУҲРИДИН ИЛҲОМ ЎҒЛИНИНГ**

**ЖИНОЙ СУД ИШЛАРИНИ КЎРИЛИШИДА
ПРОКУРОР ИШТИРИКИ: ҚИЁСИЙ –ХУҚУКИЙ
ТАҲЛИЛ
мавзусидаги**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

**Илмий раҳбар: Д.С.Довудова (PhD)
Илмий маслаҳатчи: С.Усмонов**

ТОШКЕНТ – 2022
Мундарижа

Кириш	4-9
1-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУДЛАРДА ИШЛАР КҮРИЛИШИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНинг НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10-33
1.1-§. Жиноят ишлари бүйича судларда ишлар күрилишида прокурор иштироки тушунчаси ва таърифи.....	10-21
1.2-§. Жиноят ишлари бүйича судларда ишлар күрилишида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари ва процессуал мақоми.....	21-33
2-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУДЛАРДА ИШЛАР КҮРИЛИШИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИ	34-55
2.1-§. Жиноят ишлари бүйича судларда ишлар күрилишида прокурор иштирокининг ўзига ҳос жиҳатлари.....	4-46
2.2-§. Прокурор - давлат айболовидан воз кечувчи субъект сифатида.....	47-55
3-БОБ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА СУДЛАРДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР.....	56-74
3.1-§. Айрим хорижий давлатларда жиноят ишларини күрилишида прокурор иштирокига доир масалалар.....	56-66
3.2-§. Жиноят ишлари бүйича судларда ишлар күрилишида прокурор иштироки тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари.....	67-73
Хулоса.....	74-77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	78-85
Иловалар.....	86-100

Аннотация

Ушбу диссертацияда жиной суд ишларини юритишда бугунги қунда юзага келаётган назарий ва амалий муаммоларга эътибор қаратилган ва хорижий тажрибалар келтирилгін ҳолда қиёсий-хуқуқий таҳлил қилинган. Биринчи бобда жиной суд ишларини юритишда прокурор тушунчаси ва моҳияти, прокурор иштирокининг хуқуқий асослари ёритилган бўлса, иккинчи бобда биринчи ва юқори суд инстанцияларида прокурор ваколатини таъминлашда юзага келаётган амалий муаммолар таҳлил қилинган. Учинчи боб айрим хорижий давлатларда самарали фаолият юритаётган прокуратура органлари хусусида сўз юритилган ва қонунчиликка тегишла таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация

В диссертации основное внимание уделяется теоретическим и практическим проблемам судопроизводства при ведении уголовного судопроизводства на сегодняшний день,дается сравнительно-правовой анализ зарубежного опыта. В первой главе описывается прокурорское расследование и участие в уголовном судопроизводстве, правовая база прокурора, а в главе анализируются меры обеспечения полномочий прокурора в судах первой и высшей инстанций. В третьей главе рассматривается эффективное функционирование прокуратуры в зарубежных странах и разрабатываются предложения и рекомендации по законодательству.

Annotation

The dissertation focuses on the theoretical and practical problems of legal proceedings in the conduct of criminal proceedings today, and provides a comparative legal analysis of foreign experience. The first chapter describes the prosecutor's investigation and participation in criminal proceedings, the legal framework of the prosecutor, and the chapter analyzes measures to ensure the powers of the prosecutor in the courts of first and higher instances. The third chapter examines the effective functioning of the prosecutor's office in foreign countries and develops proposals and recommendations for legislation.

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги: Суд-хуқуқ ислоҳотлари амалга оширилар экан, ушбу ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ бўлган орган – прокуратура органларининг фаолият юритиши, такомиллаштирилиши, ваколатлари кенгайтирилиши ва ундаги айrim ваколатларни қайтадан қўриб чиқилишига эҳтиёж туғилаверади. Чунки прокуратура органлари фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқдир. Прокуратура органлари ўз фаолиятларини самарали ва таъсирчан амалга оширишлари учун улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тўла яратилганлиги хар доим аҳамиятли ва долзарб бўлиб келган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизни стратегик ривожлантириш, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳақидаги ҳуқуқий қоидаларда прокуратура органларига тааллуқли бўлган нормалар доимо учрайди.

Масалан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 90-бандида барча даражадаги прокуратура органларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган бўлса, 2017 — 2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг “2.3. Маъмурий ва жиноят қонунчилигини такомиллаштириш” қисмидан ўрин олган 52-бандида Судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш вазифаси белгиланган.

Ушбу лойиҳада, давлат айловчиси фаолиятини халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибага мувофиқлаштириш; прокурорнинг айловдан воз кечишининг ҳуқуқий асослари ва процессуал тартибини белгилаш; прокурор томонидан суд қарорларига нисбатан протест келтириш асослари ва тартибини қайта кўриб чиқиш ҳамда илгор хорижий тажрибага мослаштириш; прокурор томонидан қонуний кучга кирган ҳукмлар, хал қилув қарорлари, ажримлар ёки қарорлар бўйича ишларни, иш юзасидан тарафлар мурожаати (прокурордан ташқари) бўлган ҳолдагина, суддан ўрганиш учун олиш тартибини белгилаш; қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш; Олий суд Пленуми мажлислирида суд тизими вакиллари бўлмаган шахслар иштирокининг аниқ чегараларини белгилаш, бунда Бош прокурорнинг мажбурий равишда қатнашиш тартибини бекор қилиш назарда тутилади. Бундан ташқари, жорий йили 28-январда қабул қилинган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармонининг 1-иловасида қайд этилган 17-мақсадга кўра, бугунги кунда қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун — устувор, жазо — муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш; Тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя

қилишнинг таъсирchan механизmlарини жорий этиш бугунги кундаги ислоҳотларнинг бош устувор вазифаларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли Қарори ва унга илова қилинган Концепциясининг З-бобида суд муҳокамасида айловни ўзгартиришни, жумладан янада оғирроқ айловга ўтишни назарда тутувчи механизmlарни, шунингдек, прокурор айловдан воз кечишининг процессуал механизмини яратиш вазифаси қўйилган.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ушбу мавжуд эҳтиёжларни ҳам қондиришга хизмат қиласди.

Тадқиқот обьекти ва предмети: *Тадқиқотнинг обьектини* Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини юритища прокурор ваколатларини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-хукуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини жиноят ишларини юритища прокурор ваколатларини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилик нормалари, бошқа норматив-хукуқий хужжатлар, суд-тергов амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашларнинг қиёсий-хукуқий таҳлили ташкил этади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: тадқиқотнинг мақсади жиноят ишларини юритища прокурор ваколатларини такомиллаштириш бўйича таклиф, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатdir.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят ишларини юритища прокурор ваколатларини таъминлашнинг назарий-хукуқий асосларини тадқиқ этиш;

жиноий суд ишларини юритища прокурор иштирокининг тушунчаси ва моҳиятини таҳлил қилиш;

жиноий суд ишларини юритища прокурор иштирокининг хукуқий

асосларини ўрганиш;

прокурорнинг суд музокараларидаги иштирокини ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

суд муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақомини белгилаш;

айрим хорижий давлатларда жиноят процессида прокурорнинг иштироқи амалиётини таҳлил қилиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш амалиётини яхшилаш ҳамда биринчи инстанция судларида прокурорнинг процессуал фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги: амалдаги қонунчилигимизда жиноят процессида иштирок этувчи субъект прокурорга ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги сабабли унинг таърифини амалдаги ЖПКга келтириш лозимлиги;

жиноят процессида давлат айловчиси тушунчаси чиқарилиб, прокурор сўзигина ишлатилиши таклиф қилинганлиги;

биринчи инстанция сифатида кўриб чиқаётган суднинг хусусиятидан келиб чиқиб қайси прокурор иштирок этиши лозимлиги бўйича махсус нормаларни киритиш таклифи берилганлиги;

ишнинг мураккаблиги ва долзарблигини инобатга олиб, айловни давлат айловчилари груҳи томонидан қувватлаш амалиётининг назарий асосларини такомиллаштириш таклифи асослантирилганлиги;

прокурор ва ҳимоячига тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларига истаганича реплика қилиши мумкинлиги бўйича қонунчиликка таклиф берилганлиги;

жиноят-процессуал қонунчилигига айловдан тўла ёки қисман воз кечиши тушунчаларини киритиш лозимлиги хорижий тажриба билан асослантирилганлиги;

прокурорнинг позицияси айлов хулосасида ёки айлов далолатномасида ифодаланган позициядан фарқ қилган тақдирда, давлат

айболовчиси бу ҳақда унга давлат айболовини қўллаб-қувватлашни топширган прокурорни зудлик билан хабардор қилиши лозимлиги ҳақидаги қоида ўрнатилиши асослантирилганлиги.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Тадқиқот натижасида судларда жиноят ишларини кўришда прокурор иштирокини кучайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари жиноят-процессуал ҳуқуқий нуқтаи назардан ёритилиб, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали унинг янада мукаммаллашишига эришилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (тахлили): судларда жиноят ишларини кўришда прокурор иштирокига доир мавзуда бир қатор ўзбек олимлар, жумладан, Б.Х.Пўлатов, М.Х.Рустамбоев, Ф.Х.Рахимов , Г.А.Абдумажидов, О.М.Мадалиев, М.А.Ражабова, Д.С.Довудова.

Хорижий мамлакатларда суд босқичида прокурор фаолиятини ташкил этиш масалалари: Ю.А.Авагимова, А.М.Баксалова, В.И.Басков, И.В.Борисенко, Е.В.Брянская, Н.В.Булanova, С.Э.Воронин, В.Н.Исаенко, А.Ф.Ишембитов, Г.П.Саркисянц, Н.П.Кириллова, В.М.Колпашникова, Ю.В.Кореневский, В.Ф.Крюков, Н.В.Кулик, В.А.Лазарева, Д.А.Мезинов, В.Д.Миронов, Е.Павлова, И.Д.Перлов, Б.А.Миренский, Е.Ю.Поторыкина, Н.Ю.Решетова, В.П.Рябцев, Б.А.Тугутов, В.Г.Ульянов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган¹.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи: Тадқиқот ишида ижтимоий ва ҳуқуқий кўринишларни билишининг диалектик усули, шунингдек анализ ва синтез, ҳуқуқий-қиёслаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Ушбу диссертацияда жиноий суд ишларини юритишда бугунги кунда юзага келаётган назарий ва амалий муаммоларга эътибор қаратилган ва хорижий тажрибалар келтирилган ҳолда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Мазкур

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

диссертацияда илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан ЖПКга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишида, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритишида, шунингдек Бош прокурорнинг соҳавий буйруқларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишида фойдаланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи: Мазкур диссертация унда тадқик қилинган муамоларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, 3 та боб ва уларга тегишли 6 та параграф, хulosса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

1§ Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштироки тушунчаси ва таърифи

Ҳар бир жиноят ишининг тақдири суд мажлисига кўриб чиқиш учун юборилгандан сўнг уни мазмунан ҳал этиш, шахсни айбли-айбсиз деб топиш, яъни шахсга нисбатан ижро этилиши шарт бўлган ҳукмни (ёки ажримни) чиқариш суднинг вазифаси саналади.

Бироқ, одил судловнинг тўлиқ таъминланиши нафақат суд органларига, балки жиноят процессида одил судловни таъминлашга кўмаклашувчи бошқа қатнашчилар, жумладан прокурор ёки бошқача ном билан атайдиган бўлсак, давлат айловчисининг амалдаги қонунчиликка биноан қатнашиши муҳим хисобланади. Айниқса, сир эмаски, бошқа процесс қатнашчиларига нисбатан прокурорнинг ўрни ҳар бир жиноят ишининг кўрилишида бекиёсдир. Айнан прокурорнинг иштироки орқали суднинг ҳукми, қарори ва ажрими қонуний, асосли ваadolatлилик нуқтайи назаридан аҳамият касб этади.

Прокурор жиноят ишлари кўрилишида иштирок этар экан, унинг ушбу иштирокидан асосий мақсад: суд процессини бошидан охиригача томошабин сифатида қатнашиш эмас, аксинча ўзининг юксак назарий, амалий, шунингдек, касбий кўникмаларини ишга солиш орқали, судга далилларни объектив ва ишонарли тарзда тақдим эта оладиган, далилларни таҳлил қилиб, унга холисона баҳо бера оладиган мутахассис сифатида намоён бўла олишдир.

Шу сабабдан ҳам давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “Прокуратура ходимлари юқори қасбий малака ва юқори инсоний фазилатлари билан давлат органи хизматчиларига ўrnak бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозим”².

Прокурорнинг жиноят ишларида иштироки тушунчасига батафсил тўхталишдан олдин прокурор тушунчасининг ўзига қуйида тўхталиб ўтамиз.

“Прокурор” атамаси лотинчадан келиб чиққанлиги хусусида бир қатор

² УзА. <http://aza.uz/ru/politics/>. 31.01.2018 y.

адабиётларда гапириб ўтилган. Масалан, Поторыкина Е.Ю. прокурор сўзини “бошқариш, бериш ва ғамхўрлик қилиш” маъноси билан боғлиқлигини айтади³.

Дворецкий И.Х ҳам ушбу сўз лотин тилидан келиб чиққанлигини таъкидлаб, прокуратио (прокуро) сўзи “ғамхўрлик, бошқарув, бошқарув”, шунингдек, “прокурор, прокуратура лавозими”, прокуратор сўзи “procure” - “раҳбар, бошқарувчи, бошқарувчи; вакил, адвокат, ваколатли; прокуратор, императорнинг вилоятдаги даромадлари бошлиғи. Ва ниҳоят, *procuro* сўзи “ғамхўрлик қилиш, қарашиб; таъминлаш, қилиш; йўл қўрсатувчи, йўналтирувчи, йўлбошчи деган маъноларни англатишини айтади⁴.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида эса прокурор атамаси “ғамхўрлик қилиши” маъносида қўлланилиши келтирилган ва инглизча номлари ҳам “public prosecutor, public prosecutor” шаклида, французча эса “procureur” шаклида келтирилган⁵.

Қайд этиш лозимки, прокурор атамаси Ғарб мамлакатларида фақатгина “prosecutor” шаклида қўлланилмай, балки “attorney” деб ҳам юритилади. Масалан, Баш прокурор – “attorney general” ёки ҳудудий прокурорлар – “district attorney” деб ҳам юритилиши мумкин⁶.

Муайян давлатларда прокурор атамаси қўлланилмай бошқа тушунча ишлатилади. Масалан, Чехияда 1994-йил 1-январда амалга оширилган конституцион ислоҳотлар натижасидан сўнг собиқ прокуратуранинг номи “давлат ҳимоячиси” (государственный заступник) атамаси билан баъзи манбаларга кўра, “давлат вакили” (государственным представительством)⁷, Баш прокуратура эса ўз навбатида, “олий давлат шафоати”, Баш прокурор эса “олий давлат ҳимоячиси”⁸ га алмаштирилди.

³ Поторыкина Е.Ю. “Уголовно-процессуальный статус прокурора в судопроизводстве Европейских государств” социально-экономические явления и процессы, Т. 10, № 12, 2015 – С 132.

⁴ См.: Дворецкий И.Х. Латинско-русский словарь. — 10-е изд., стер. М.: Русский язык; Медиа, 2006. С. 621.

⁵ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул: Р.А. Мухиддинова ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. Т – Адолат, 2009. 372- б.

⁶ <https://www.linguee.ru/> прокурор.html.

⁷ Лазарева М.Н. Прокуратура Чехии: Реформы и особенности статус. №5(37), 2014.

⁸ <https://pravo.ru/interpravo/news/view/31443/>

Баъзи олимлар “прокурор” атамасини юқоридаги келтирилган маъноларидан келиб чиқиб ушбу терминни иккига бўлишади:

Кенг маънода - бу давлат фаолиятининг алоҳида тури сифатида назоратни амалга оширадиган давлат органи (ёки мансабдор шахслар);

Тор маънода эса - назорат фаолиятини амалга ошириш учун маҳсус ишлаб чиқилган давлат органлари тизимиdir⁹.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, прокурорлар фаолият юритадиган ташкилот прокуратура деб номланади ва турли давлатларда турлича ном билан аталмасин бир-бирига ўхшаб кетадиган фаолият ва функцияни амалга оширади.

О.М. Мадалиев фикрича, прокурор бу прокуратура органларида “Прокуратура тўғрисида”ги Конун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли соҳавий буйруғи билан тартибга солинган қонуности хужжатлари талаблари асосида белгиланган тартиб ва қоида бўйича Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига доимий ёки вақтинча ишга қабул қилинган ҳамда ўзига бириктирилган мансаб ваколатлари, мажбуриятларини амалга оширувчи жисмоний шахсdir¹⁰.

Олим А.В.Лазареванинг таъкидлашича эса, прокурор – жиноий таъқибни амалга оширувчи барча органларни назорат қилувчи асосий исботлаш субъектиdir. Жиноят иши прокурорнинг иштирокисиз судга тақдим қилиниши мумкин эмас, у айлов хулосасини тасдиқлайди ва судда давлат айловини қувватлайди¹¹.

Д.А.Безвершенконинг фикрича, прокурор – тортишув тизимини қабул қилган умумхуқуқ давлатларида асосий қонун вакили ҳисобланади. У жиноят

⁹ Юридической литературе высказывалось суждение, что рассматриваемый нами термин «этимологически и исторически выражает собою представительство одним деловых интересов другого» (см.: Муравьев Н.В. Прокурорский надзор в его устройстве и деятельности: Пособие для прокурорской службы. Т. 1. Прокуратура на Западе и в России. М.: Университетская типография, 1889. С. 24).

¹⁰ О.М. Мадалиев. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 50-бет.

¹¹ Лазарева В.А. Проблемы доказывания в современном уголовном процесси. России: учеб. Пособие. Самара: Самарский ун-т, 2007. –С83.

содир этган шахсга қўйилган далилларнинг асослилигига жавобгардир¹².

Д.С.Довудова Безвершенконинг ушбу фикрлари ўринлилигини ва прокурор айбловнинг қувватлаш мажбуриятига эмас, аксинча унинг асослилигига жавобгар эканлигини таъкидлайди¹³.

Дарҳақиқат, биз ҳам ушбу олимларнинг фикрига қўшиламиз. Чунки прокурорга юқоридаги келтирилган таърифларнинг ишлатилиши бевосита унинг фаолият йўналиши ва ундан келиб чиқиб белгиланган функциясига мос келади.

Шунингдек, шу ўринда айтиб ўтишимиз жоизки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига прокурор тушунчаси таъриф бериб ўтилмаган. Лекин, 2001-йил 29-августда қабул қилинган 257-II-сонли янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 56-моддасида айrim атамаларнинг талқини берилган бўлиб, унда кўрсатилишича, “Прокуратура органлари ходимлари” деган атама замирида даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимларини, шунингдек прокуратура иш ўрганувчиларини тушуниш керак.

Бўлди, шундан бошқа на прокуратура фаолиятининг асосини белгилаб берувчи “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда ва прокурорнинг жиноят процессида иштирок этишини белгилаб берувчи Жиноят-процессуал кодексида таъриф берилмаган.

Бизнинг қонунчилигимиздан фарқли равишда бир қатор МДҲ давлатлари қонунчилигига прокурор атамасига қонуний таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Россия Федерацияси ЖПКси 5-моддасида прокурор – Россия Федерацияси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар, уларнинг ўринbosарлари ва жиноят процессида иштирок этадиган ҳамда прокуратура тўғрисидаги қонун билан тегишли ваколатга эга бўлган прокуратура

¹² Безвершенко, Д.А. Роль прокурора в уголовном судопроизводстве РФ / - Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2013. № 1 (48). –С.256-258.

¹³ Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш масалалари / Монография. –Тошкент.: “ЛЕССОН ПРЕСС”, 2020. 12-б.

органларининг бошқа мансабдор шахсларириб, деб келтириб ўтилган.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси ЖПК 58-моддаси биринчи қисмида прокурорга таъриф келтирилиб, “ўз ваколатлари доирасида тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, тергов ва суд қарорларининг қонунийлигини назорат қилувчи, шунингдек жиноят процессининг барча босқичларида давлат жиноий таъқиби ва бошқа ваколатларни амалга оширадиган мансабдор шахс”, деб қайд этилган¹⁴. Шунингдек, айнан ушбу моддада прокурор сифатидаги мансабдор шахслар ҳам кимлар эканлиги аниқ санаб ўтилган. Унга кўра, Қозоғистон Республикаси Бош прокурори, Қозоғистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, уларнинг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, Қозоғистон Республикасининг бош ҳарбий ва транспорт прокурорлари, вилоятлар, республика аҳамиятига молик шаҳарлар, пойтахт прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалари бошликлари, уларнинг ўринбосарлари, катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ва прокурорлари, туманлар, шаҳарлар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлари ҳамда белгиланган ваколатларга мувофиқ иш юритувчи прокурорлар.

Ушбу ҳуқуқий норма 2017 йили 30 июнда қабул қилинган “Қозоғистон Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасида ҳам қайд этилган. Бундан ташқари, ушбу модда биринчи қисмида прокурор тушунчасига умумийроқ таъриф келтирилиб, унга кўра, прокурор – бу прокуратура органларининг функцияларини амалга ошириш мақсадида ушбу Қонунда белгиланган ваколатларни амалга оширувчи прокуратура ходимиридир. Бундан ташқари, бир қатор бошқа МДҲ давлатлар Жиноят-процессуал кодексида, жумладан, Тожикистон ЖПК “асосий тушунчалар” деб номланган 6-моддасида, “Тожикистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 2-моддасида¹⁵,

¹⁴ <https://online.zakon.kz/document>

¹⁵ https://www.legislationline.org/download/id/5704/file/Tajikistan_Const_Law_on_Prosecutor_2005_am2014_ru.pdf

Украина ЖПК 3-моддаси биринчи қисм 15-банди (прокурор – бу Украинанинг "Прокуратура тўғрисида" ги қонунининг 15-моддасида назарда тутилган лавозимни эгаллаган ва ўз ваколатлари доирасида иш юритадиган шахс)¹⁶, Озарбайжон Республикаси ЖПК 7-моддаси 7.0.23-бандида "ушбу Кодексда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида жиноят иши бўйича дастлабки терговга процессуал раҳбарликни амалга оширадиган ёки давлат айловчиси сифатида судда давлат ёки давлат-хусусий айловни кўллаб-қувватловчи шахс"¹⁷, 1999 йил 7 декабрда қабул қилинган "Озарбайжон Республикаси прокуратураси тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасида эса прокурор сифатида Озарбайжон Республикасининг Бош прокурори, барча қуи турувчи прокурорлар, прокурор ўринбосарлари, катта прокурор ёрдамчилари, прокурор ёрдамчилари, бошқармалар, бўлимлар бошлиқлари, бошлиқ ўринбосарлари, катта прокурорлар, бошқармалар, бўлимлар прокурорлари ва прокурор-криминалистлар келтириб ўтилган¹⁸.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эса прокурор тушунчасига таъриф келтирилмаган.

Бироқ, шунга қарамай, прокурор сифатида кимлар эътироф этилиши хусусида "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 56-моддасида ушбу қонуннинг турли моддаларда ишлатилган "прокурор" атамаси замирида айнан қайси прокурорлар тушунилиши лозимлиги ҳақида айтиб ўтилган. *Лекин, бизнинг назаримизда, Қонунда қайд этилган атамаларнинг ушбу талқини прокурор тушунчасига қамраб оладиган яхлит мансабдор шахслар маркибини қамраб ололмайди. Шу боисдан қонунчилигимизга прокурор деганда айнан кимлар тушунилиши хусусидаги мансабдор шахсларнинг аниқ маркибини келтириб ўтиши лозим.*

Бу хусусда, олим О.М. Мадалиевнинг прокурор деганда кимлар тушунилиши лозимлиги ҳақидаги фикрига тўлиқ қўшиламиз. Яъни, унга

¹⁶ Уголовный процессуальный кодекс Украины. <http://continent-online.com>

¹⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утверждён Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ)

¹⁸ https://republic.preslib.az/ru_d4-67.html

кўра, “Прокурор” дейилганида - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, прокурор – криминалистлар, бошқарма прокурорлари ва бўлим прокурорлари, суд мухокамасида “прокурор” сифатида иштирок этадиган прокуратура ходими тушунилади. Жиноят ишлари бўйича давлат айловини қувватловчи шахсни ҳам прокурор деб аталади.

Шунингдек, фуқаролик ва маъмурий ишларда ҳамда хўжалик низоларига оид ишларни судларда кўрилишида тараф сифатида иштирок этиш ваколати юклатилган прокуратура ходими ҳам прокурор деб аталади¹⁹.

Бизнинг назаримизда, олим томонидан келтирилган ушбу рўйхат тўлиқ эмас.

Шу ўринда аниқлик кириб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30-майдаги ПҚ-3016-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 23-майдаги ПФ-5446-сон Фармонига мувофиқ қайта ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари ўз навбатида прокуратура ходими ҳисобланишади. Жумладан, ПҚ-3016-сонли қарорнинг 21-бандига кўра, бюронинг марказий аппарати ва ҳудудий тузилмаларнинг (молия-хўжалик тузилмалари бундан мустасно) ходимлари ўз мақомига кўра прокуратура органлари ходимлари ҳисобланади. Мақомига кўра прокуратура органлари ходимлари ҳисобланган ходимларга

¹⁹ О.М. Мадалиев. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 49 бет.

даражали унвонлар берилади ва улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга мувофиқ хизматни ўтайдилар. Департамент ходимлари ҳам ўз навбатида, ПФ-5446-сонли Фармонга кўра, департаментда хизматни ўташ даврида Бош прокурор томонидан тасдиқланадиган прокуратура органлари ходимининг касб одобномасига риоя қилишлари шарт саналади ва марта ба даражасига эга бўлган ходимлар хизмат мажбуриятларини бажаришда прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган фарқловчи белгилари бўлган формали кийим-бош киядилар ҳамда прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий муҳофаза қилиш чораларидан фойдаланадилар.

Мажбурий ижро бюроси ва иқтисодий жиноятларга қарши кураш департamenti ходимлари ва мансабдор шахслари прокурор деб юритилмаслигини алоҳида қайд этишимиз лозим. Улар прокуратура органи ходими саналишсада, прокурор деб аталмайди. Шунингдек, уларда жиноят процессида прокурор сифатида субъект бўлиб ҳам иштирок этолмайди.

Шундан келиб чиқиб айтишишимиз лозимки, қонунчиликка жиноят судларида иштирок этувчи прокурор деганда қўйидаги мансабдор шахслар рўйхатини киритишнимиз лозим. Прокурор – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпогистон Республикаси прокурори, вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ва транспорт прокурорлари, бошқарма прокурорлари ва бўлим прокурорлари, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, прокурор – криминалистлар, шунингдек иш ўрганувчилар.

Ушбу рўйхатда прокурор сифатида жиноят судларида иштирок этувчи мансабдор шахслар келтирилган бўлсада, лекин бу прокурор тушунчасининг таърифи шаклланди дегани эмас.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 33-моддасида жиноят ишини юритишда масъул бўлган давлат органи ва мансабдор шахс сифатида прокурор қайд этилган бўлсада, ушбу моддада прокурорга жиноят процессида унинг амалга оширадиган функциясидан келиб чиқсан ҳолда таъриф берилмаган.

Олим Д.С.Довудова ҳам айнан ушбу нарсага эътиборини қаратган ҳолда қонунчиликка прокурорга қуидагича таъриф бериш бўйича ўз таклифини билдиради. Яъни, олимнинг фикрига қўра, қонунга “Прокурор – қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи, судда қонунийликни таъминловчи, қонунда белгиланган ваколатларга эга бўлган мансабдор шахс” деган мазмунда тушунтириш бериш лозим²⁰.

Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф умумийроқ бўлиб, амалдаги ЖПК даги прокурор иштироки ва унинг процессадаги асосий функцияларини тўлиқ ифодаламайди. Шу сабабдан, амалдаги ЖПК тегишили моддасига қуидагича таъриф беришимиз мақсадга мувофиқ бўлади: прокурор – ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширув, суриширув ва тергов органларининг қонунларга амал қилиши устидан назоратни амалга оширадиган, дастлабки терговни амалга оширишида ваколатли бўлган, айлов хулосаси ва далолатномасини тасдиқлаб, судда давлат айловини қўллаб-қувватловчи ёки айловдан воз кечиш орқали қонунийликни таъминловчи, амалдаги Кодексда белгиланган ваколатларга эга бўлган мансабдор шахсdir.

Амалдаги ЖПКда прокурор иккита ном билан аталганлигига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бир – “давлат айловчиси” бўлса, иккинчиси – “прокурор”.

Жумладан, биринчи инстанция судларида давлат айловчиси ва прокурор номлари билан, апелляция ва кассация инстанцияси судларида эса факатгина прокурор номлари билан қўлланилган.

²⁰ Довудова Д.С. Биринчи инстанция сударида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини тақомиллаштириш масалалари / Монография. –Тошкент.: “ЛЕССОН ПРЕСС”, 2020. 12-б.

Қайд этишимиз лозимки, прокурорнинг судларда жиноят ишларини юритишдаги ваколатлари борасида тадқиқот ишларини олиб борган ўзбек олимларидан О.Мадалиев ва Д.Довудалар ҳам айнан ушбу масалага эътиборларини қаратишган ва прокурорнинг айнан “давлат айбловчиси” деган ном билан аталиши хусусида ўз фикрларини келтириб ўтишган.

Масалан, О.Мадалиевнинг фикрича, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколати таъминлаш вазифаси юклатилган прокуратура ходимларини, яъни судда иштирок этаётган прокурорни “давлат айбловчиси” деб номлаш нотўғридир. Прокурорни “давлат айбловчиси” деб номлашни қонунда ўзгартириш лозим. Прокурорни бу сўз билан аташ ўз мазмуни ва моҳиятига кўра, мантиққа тўғри келмайди. Чунки, ҳеч кимни, ҳеч қачон давлат айбламайди. Қолаверса, жиноят иши бўйича тараф сифатида айблаш вазифасини прокурор томонидан амалга оширилсада, Ўзбекистон давлати номидан айбдор деб топиш прокурорга юклатилмаган. Бизнинг давлатимиз қонунлари бўйича айбдор деб топиш фақатгина суднинг мутлақ ваколатига тегишлидир.

Судда жиноят ишлари кўрилишида айбловни қўллаётган прокурор амалдаги қонунларимизга кўра, “давлат айбловчиси” деб номлансада, аслида “давлат номидан” шахсни айбдор деб эътироф этадиган якуний тарздаги юридик хужжатни қабул қилмайди. Балки, қонунларнинг аниқ ва бир хилда амалга оширилишини, фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларининг хукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида суд мажлисларининг барча қисмларида иштирок этади²¹.

Д.Довудованинг фикрича эса, биринчи инстансия судида иштирок этаётган прокурорга давлат айбловчиси процессуал мақомининг берилиши, унинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Конун ҳамда ЖПКда белгиланган функция ва вазифаларига номувофиқ

²¹ О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстансия судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография. / ю.ф.н., доцент К.П.Иркаджаевнинг таҳрири остида. –ТДЮИ, 2005.-Б20-21.

хисобланади. Чунки, у давлат айбловини қувватлаш билан бирга шахс ҳуқуқлари ва жамият манфаатларини ҳимоя қиласди, амалда бўлган қонунларнинг тўғри татбиқ қилинишига ўз муносабатини билдириш орқали қатнашади²².

О.Мадалиев ўз тадқиқотлари натижасида прокурорни “давлат айбловчиси” деб аташни ўрнига “айбловчи” ёки “қонун вакили” деб номлаш кераклиги хусусида фикр билдиrsa, Д.Довудова эса, “давлат айбловчиси” процессуал мақомини чиқариб ташлаб, фақатгина прокурор деб юритилиши лозимлиги таклифини беради.

Хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимида мавжуд бўлган прокуратура органлари ёки ушбу орган бажарадиган функцияни амалга оширадиган институтларнинг қандай аталиши ҳақида сўз юритадиган бўлсак, қайд этиш лозимки, кўплаб МДҲ давлатларида прокурорнинг давлат айбловчиси деб аталашига дуч келишимиз мумкин. Бундан фарқли равишда, масалан Аргентинада прокурорлар “халқ ҳимоячиси”га ўхшаш ном билан фаолият юритади. Бунга, албатта, Аргентина Конституциясининг 86-моддасидага кўра, прокуратура омбудсман лавозимига жуда ўхшаш бўлган давлат идораси бўлганлиги ҳам сабаб бўлган²³.

Кўплаб Европа давлатлари сингари Миср давлатида ҳам прокуратура адлия тизимига киради. Президент томонидан тайинланадиган “Бош социолитик прокурор” парламент назорати остида ўз фаолиятини амалга оширади. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қиласди, жамиятнинг ва сиёсий тузумнинг хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади. Жиноят ишларини тергов қиласди, судларда айбловни қувватлайди²⁴.

Бироқ шундай бўлсада, жиноят судларида иштирок этувчи прокурор давлат айбловчиси деб юритилмайди.

Бизнинг назаримизда ҳам прокурорнинг давлат айбловчиси деб

²²Довудова Д.С. Биринчи инстанция сударида жиноят ишларини юритишида прокурор ваколатини тақомиллаштириш масалалари / Монография. –Тошкент.: “ЛЕССОН ПРЕСС”, 2020. 12-б.

²³ Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира. Справочник –М., 1993. –Б.110.

²⁴О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида қўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография. / ю.ф.н., доцент К.П.Иркакходжаевнинг таҳрири остида. –ТДЮИ, 2005.-В 34.

юритилиши унинг қонунда белгиланган функция ва ваколатларнинг тўла амалга оширишда инобатга олинмаганигини билдиради. Чунки, прокурор нафақат давлат айловини қувватлаши, балки суд муҳокамаси натижасида суд тергови маълумотлари судланувчининг айбизлигидан далолат беради деган ишончга келса, айловдан воз кечиши ҳам мумкин. Чунки, прокурорнинг суд мажлисларида қатнашишидан асосий мақсад, “Прокуратура тўғрисида”ти Конуннинг 33-моддаси биринчи қисмида таъкидланганидек, фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хуқуqlари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлашдир. Шундай экан унга фақатгина давлат айловини қўллаб-қувватлайди деган нуқтаи назар билан қараш прокурорнинг жиноят ишлари бўйича судлардаги иштирокининг моҳиятини тўлиқ англамаслик саналади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, прокурорга давлат айловчиси деган ном билан қараши уни фақатгина одамлар кўз ўнгига “қораловчи” бўлиб қолишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг муайян нормаларида, хусусан, 51-модда, 80-модда, 397-модда, 405⁶-модда, 405¹¹-модда, 429-модда, 431-модда, 439-модда, 442-модда, 449-модда 450-моддада қўлланилган “давлат айловчиси” тушунчасини прокурорга ўзгартириши лозим.

2§ Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари ва прокурорнинг процессуал мақоми

Суд-хуқуқ ислоҳотлари амалга оширилар экан, ушбу ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ бўлган орган – прокуратура органларининг фаолият юритиши, такомиллаштирилиши, ваколатлари кенгайтирилиши ва ундаги айрим ваколатларни қайтадан кўриб чиқилишига эҳтиёж туғилаверади. Чунки прокуратура органлари фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқдир. Прокуратура органлари ўз фаолиятларини самарали ва таъсирчан амалга оширишлари учун улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тўла яратилганлиги хар доим аҳамиятли ва долзарб бўлиб келган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизни стратегик ривожлантириш, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ҳақидаги ҳуқуқий қоидаларда прокуратура органларига тааллуқли бўлган нормалар доимо учрайди.

Масалан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 90-бандида барча даражадаги прокуратура органларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни

лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган бўлса, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг “2.3. Маъмурий ва жиноят қонунчилигини такомиллаштириш” қисмидан ўрин олган 52-бандида Судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш вазифаси белгиланган.

Ушбу лойиҳада, давлат айловчиси фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқлаштириш; прокурорнинг айловдан воз кечишининг ҳуқуқий асослари ва процессуал тартибини белгилаш; прокурор томонидан суд қарорларига нисбатан протест келтириш асослари ва тартибини қайта кўриб чиқиш ҳамда илғор хорижий тажрибага мослаштириш; прокурор томонидан қонуний кучга кирган ҳукмлар, ҳал килув қарорлари, ажримлар ёки қарорлар бўйича ишларни, иш юзасидан тарафлар мурожаати (прокурордан ташқари) бўлган ҳолдагина, суддан ўрганиш учун олиш тартибини белгилаш; қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш; Олий суд Пленуми мажлислирида суд тизими вакиллари бўлмаган шахслар иштирокининг аниқ чегараларини белгилаш, бунда Бош прокурорнинг мажбурий равища қатнашиш тартибини бекор қилиш назарда тутилади. Бундан ташқари, жорий йили 28-январда қабул қилинган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармонининг 1-иловасида қайд этилган 17-мақсадга кўра, бугунги кунда қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ваadolатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун — устувор, жазо — муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш; Тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя

қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш бугунги кундаги ислоҳотларнинг бош устувор вазифаларидан саналади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига бир қатор ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлиб, улар прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган. Энг аввало, Бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратура органларининг конституциявий мақоми мустаҳкамланиб қўйилган. Жумладан, Конституциянинг 118-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”, деб белгилаб қўйилган²⁵.

Прокуратурага бағишлиланган Конституциянинг кейинги 119 ва 120-моддаларида эса прокуратуранинг марказлашган тизимлилиги, тайинланиши, ваколати муддати, фаолият юритиш хусусияти ҳақида умумий таъкидлаб кетилган.

Шу ўринда, айрим хорижий давлатлардаги прокуратуранинг конституциявий мақоми ҳақида ҳам қуида айтиб ўтамиз.

Умуман олганда, кўплаб ғарб давлатларида давлат бошқарув механизмида прокуратура ёки унинг аналоги бўлган ташкилотнинг ўрнига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Юридик адабиётларда давлат механизмида прокуратуранинг ўрни хусусида олимлар фикр билдириб, уни 4 га бўлинишини айтишади: *биринчиси*, прокуратура адлия тизимига кирувчи давлатлар; *иккинчиси*, маъмурий мустақилликка эга бўлган ва одил судловни амалга оширишда ваколатли бўлган прокуратурага эга бўлган давлатлар; *учинчиси*, ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи ва праламент ёки давлат бошлиғига хисобдор бўлган прокуратурага эга бўлган давлатлар; *тўртинчиси*, прокуратура ёки унинг аналоги мавжуд бўлмаган давлатлар²⁶.

²⁵ <https://lex.uz/docs/Конституция>

²⁶ См.: Додонов В. Н., Крутских И. Б. Прокуратура в России и за рубежом. М., 2001. С. 5.

Масалан, Францияда прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми 1958-йилда қабул қилинган Конституция, Франция Жиноят-процессуал Кодекси ва № 58-1270 сонли “Суд ташкилоти ва Ординаряси” номли Кодекс билан белгиланади. Франция прокуратураси адлия тизимиға кирганилиги сабабли, прокуратура ижро ва ишни судда кўришни таъминловчи позицияга эга ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, Францияда прокуратура ва судялар бир хил процессуал мақомга эга²⁷.

Францияда прокуратуранинг функцияси жиноий таъқибни амалга ошириш билан характерланади. Янаам аникроқ айтадиган бўлсак, Франция прокуратурасининг асосий вазифаси судгача бўлган босқичда терговни назорат қилиш ва судда давлат айловини қўллаб-қувватлашdir.

Германияда ҳам прокуратура ижро ва суд ҳокимиятини ўзига қамраб олади²⁸. Германия прокуратураси фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб, 1949-йилдаги Қонун, шунингдек, прокуратура фаолиятини тўлиқ тартибга солган “Суд тизими тўғрисида”ги Қонуни, ГФР Жиноят-процессуал Кодекси ва бошқа ички норматив актлардан иборат.

ГФР прокуратураси ҳам Францияда бўлгани каби жиноий таъқибни амалга оширади, айловни қўллаб-қувватлайди ва суд қарорларини ижро қилишда немис полициясига раҳбарлик қиласди.

Испания Қироллигининг 1978 йил 27 декабрда қабул қилинган Конституциясининг 124-моддасигина испан прокуратурасига бағишлиланган бўлиб, унинг фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат бу 1981-йил 20-декабрда қабул қилинган № 50/1981 Қонундир (“Прокуратуранинг ташкилий Низоми”).

Жумладан, Испания Конституциясининг 124-моддаси биринчи қисмига кўра, прокуратура фаолият юритар экан унинг асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва жамоат

²⁷ И. И. Тюнина. Конституционно-правовой статус прокуратуры в России и зарубежных странах. Поступила в редакцию 13 сентября 2021 г. С 20.

²⁸ См.: Растопшин Р. А. Права и задачи прокурора в уголовном процессе РФ и ФРГ // Проблемы экономики и юридической практики. 2017. № 4. С. 141

манфаатларини ҳимоя қилиш, суднинг мустақиллиги ва жамият манфаатларига дахл қилмаган ҳолда манфаатдор шахсларнинг хуқуқларини муҳофаза қилиш саналади.

Испания Бош прокуратураси ўз вазифаларини марказлашганлик ва иерархик бўйсимиш тамойили асосида ўзининг қуи турувчи ташкилотлари орқали фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади.

Бош Давлат прокурори қирол томинидан ҳукумат кўрсатга номзодни Судялар Бош Кенгashi билан маслаҳатлашган ҳолда тайинланади²⁹.

Болгария Конституциясининг 126-моддасида Болгария Конституциясига доир ҳуқуқий норма келтирилган бўлиб, унга кўра, Прокуратура органларининг тузилиши судларнинг тузилишига мос келиши керак ва Бош прокурор қонунийликни назорат қиласи ва бошқа барча прокурорларга тегишли кўрсатмаларни беради³⁰.

Бошқа давлатлар қонунчилигидан фарқли равишда Болгария Конститутусиясининг 127-моддасида прокурорлар қандай қилиб қонунийликни таъминлаши мумкинлиги белгилаб берилган. Яна бир қизиқарли жиҳати шундаки, ушбу Конституциянинг 129-моддасига кўра, Олий Кассация судининг раиси, Олий маъмурий суднинг раиси, шунингдек, Бош прокурор 7 йилга тайинланади ва иккинчи муддатга тайинланиши мумкин бўлмайди.

Латвия Республикаси Конституциясида прокуратура органи ҳақида айтиб ўтилмаган бўлсада, ушбу органнинг ҳуқуқий асосларини 1994-йил 19-майда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва бир қанча ички норматив актлар ташкил этади.

Бундан ташқари, прокурорларининг профессионал хулқ-атвори ва масъулияти соҳасида халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, бунда энг аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Прокуратура органларининг ҳалоллиги ва поклигини амалга ошириш ва салоҳиятини

²⁹ <https://www.boe.es/legislacion/documentos/ConstitucionINGLES>

³⁰ <https://www.parliament.bg/en/const>

ривожлантириш орқали қонунийликни мустаҳкамлаш” деб номланган 17/2 резолуциясида жиноий ишни кўришдаги прокурорнинг роли хусусидаги қоидалар қайд этилган³¹.

Шунингдек, халқаро прокурорлар ассоциацияси ҳам 1995-йилдан бошлаб ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда ва унга 180 дан ортиқ давлатлар аъзодир. Ушбу халқаро ташкилот дунё бўйлаб прокуратура органлари орасида профессионал алоқаларни ўрнатиш учун ўзига хос платформ саналиб, ушбу ассоциация томонидан ишлаб чиқилган “Прокурорларнинг профессионал масъулияти стандартлари, асосий мажбуриятлари ва хуқуклари Стандардлари” прокурорлар хулқ-атвори ва суд таъкиби хизматчиларининг халқаро стандарти сифатида хизмат қиласидан ҳужжат ҳисобланади³².

Ўзбекистон Республикасида ҳам фақатгина Конституция эмас, балки 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-II-сонли “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва Жиноят-процессуал Кодекси билан ҳам ушбу органнинг фаолиятининг хуқуқий асослари белгиланган. Бундан ташқари, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари ҳам барча прокуратура органи ходимларига тааллуқли саналади ва улар фаолиятига раҳбарий кўрсатмаларни беради. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг асосий йўналишлари белгиланган. Айнан ушбу моддада кўрамизки, “судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айловини қувватлаш” ушбу орган фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади.

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 33-моддасида ҳам ушбу қоида белгиланган бўлиб, фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хуқуклари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция

³¹ Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва хуқуклари соҳасидаги халқаро ва миллий стандартлар (ўкув кўлланма). Т.: “Фан ва технология”, 2011, 19-20-б.

³² Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва хуқуклари соҳасидаги халқаро ва миллий стандартлар (ўкув кўлланма). Т.: “Фан ва технология”, 2011, 19-20-б.

судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади. Прокурор судларда жиноят ишлари кўрилаётганда давлат айловини қувватлайди.

Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлланиши хусусида ўз фикрини билдиради.

Қонунда ўрнатилган ушбу ҳуқуқий нормалардан маълум бўлмоқдаки, прокурорнинг жиноят судларидаги иштироки бошқа судлардаги иштирокидан фарқаланади. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасига кўра, агар фуқаро соғлигининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризасига кўра қўзғатилган ишлар бўйича фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этишга ҳақли. Прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташабbusи билан иштирок этиши мумкин эмас.

Дарҳақиқат, сўнги йиллардаги ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида фуқаролик судларида прокурорнинг иштироки кескин қисқарди. Масалан, Президент томонидан “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига о‘згартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун (12.01.2021 йилдаги ЎРҚ-661-сон) имзоланиши натижасида илгари иш юзасидан унинг судда иштирок этиши зарурлиги суд томонидан эътироф этилганда ҳам қатнаша олиш ҳуқуқи олиб ташланди. Шунингдек, ўз навбатида, Бош прокурорнинг 124-сонли “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги буйруғининг 4-бандида таъкидланган апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳамда Олий суднинг барча

инстанцияларида кўрилаётган ишларда прокурор иштироки қатъий таъминланиши ҳам юқоридаги Қонун асосида ўз аҳамиятини йўқотди.

Ҳозирги кунда прокурор ФПКда кўрсатилган қуидаги ишлар бўйича: фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки фуқарони вафот этган деб эълон қилиш; фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш; Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш; шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш; вояга етмаган шахсни тўлик муомалага лаёқатли деб эълон қилиш; мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш; йўқолган суд ишини юритиш тўғрисидаги ишлар ва амалдаги қонунчиликда қайд этилган бошқа ишлар албатта прокурорнинг иштирокида кўрилади.

ФПК 245-моддага кўра фуқаролик процессида иштирок этувчи прокурор суд музокараларидан кейин низонинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади. Иқтисодий судларда ҳам прокурорлар ИПК 41-моддасига асосан, ишда иштирок этувчи шахслардан саналади. ИПК 49-моддасида эса прокурорнинг иштироки батафсилроқ ёритилган. Иқтисодий ишларда прокурорнинг иштироки фуқаролик сударидаги иштирокига ўхшаб кетади. Яъни, прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишлардагина иштирок этиши мумкин. Прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас³³. Илгари иқтисодий судларда ҳам прокурорлар барча ишлар бўйича қатнашишган.

Прокурорнинг жиноят ишларидаги иштирокига келадиган бўлсак, унинг фаолиятини бевосита ҳуқуқий тартибга солиб турадиган хужжат бу Жиноят-процессуал кодексидир. Айнан ушбу кодексда прокурорнинг ҳуқуқий мақомини белгилан берувчи бир қатор қоидалар мавжуд.

ЖПКнинг бир қанча ўринларида прокурорнинг процессуал мақоми

³³ <https://lex.uz/docs/> Иқтисодий процессуал кодекси.

ҳақида айтиб ўтилган. Масалан, ЖПК 33-моддасидага кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт. Ушбу ҳукуқий норма прокурорнинг судгача бўлган босқичда суриштирув ва дастлабки тергов устидан назорат қилувчи субект эканлигини билдиrsa, қуидаги ЖПК 409-моддада белгиланган процессуал нормалар прокурорнинг суд мажлисидаги процессуал мақомини белгилаб беради. Яъни, прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айловини қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, эксперtlар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар беради, Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъёрини тайинлаш тўғрисида ҳамда суд хал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини баён қиласди, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шартшароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдиради.

Демак, прокурорнинг жиноят ишларини судда кўришдаги процессуал мақоми унинг давлат айловчиси эканлиги билан ҳам белгиланади.

Бизнинг фикримизча, прокурорга айлов функциясининг юклатилганлиги ЖПКнинг тортишувчанлик принципигига асосланиб юклатилган. ЖПК 25-моддаси иккинчи қисмида “Иш судда кўрилаётганда айлаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас”, деб белгиланган. Тегишли суд органлари ишни ҳал қилувчи субъект саналишса, судланувчини ҳимоя қилиш эса адвокатнинг

вазифаси ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам давлат айловини қўллаб-қувватлаш прокурорнинг жиноят ишларида иштирок этувчи субъект сифатидаги вазифаси бўлиб қолади.

Бироқ, масаланинг бошқа томони шундаки, жиноят ишида иштирок этувчи прокурор нафақат давлат айловини қўллаб-қувватлаши, балки ундан воз кечиши ҳам мумкин. Дарҳақиқат, ушбу ваколат ЖПК 409-моддасида ҳам “прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт” деб белгиланиб қўйилган. Бу эса прокурорнинг аслида давлат айловчисидан кўра фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек, қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи субъект эканлигини ҳам ифодалайди ва бу борадаги унинг ҳуқуқий асослар ҳам белгиланиб қўйилган. Демак, прокурорнинг процессуал мақоми нафақат унинг давлат айбовчиси эканлиги балки давлат айловидан воз кечиши мумкин бўлган субъект эканлиги билан ҳам белгиланади.

Прокурорнинг жиноят ишларини судларда қўрилишида иштироки бўйича раҳбарий қўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 126-сонли “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар қўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги буйруғида ўз аксини топган. Ушбу буйруқда таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг жиноят ишлари бўйича судларда ишлар қўрилишидаги асосий вазифалари - қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатdir.

Тўғри, ушбу буйруқ жиноят ишлари бўйича судларда ишлар қўрилишида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари сифатида

саналмайди. Лекин, айнан прокурорларнинг бу борадаги фаолияти бўйича зарур ва муҳим бўлган кўрсатмаларни беради.

Кўйида жиноят ишларини судларда кўрилишидаги прокурорнинг иштироки хусусида айрим мулоҳазаларимизни келтиримиз.

Амалдаги ЖПК 409-моддасида прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиши ҳақида гап кетади. Апелляция инстанцияси суди мажлисида эса 497¹⁶-моддага кўра, тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан ваколат берилган прокурор иштирок этиши шартлиги хусусида белгиланиб қўйилган.

509⁶-моддада эса Кассация инстанцияси судининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан ваколат берилган прокурор иштирок этиши шарт деб айтиб ўтилган.

Бундан шуни хulosса қилишимиз мумкинки, жиноят ишларининг кўрилишига доир ҳар бир инстанция судларида прокурорнинг иштироки мажбурий саналади.

ЖПК 439-моддасида келтириб ўтилганидек, суд тергови айлов хulosасининг хulosса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айловни ёхуд айлов далолатномасида баён этилган айловнинг мазмунини давлат айловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланиши билан ҳам намоён бўлади. Демак, прокурорнинг иштирокисиз суднинг кейинги босқичига - суд терговига ўтилиши мумкин ҳам эмас. Давлат айловини ўқиб эшиттириш эса суд томонидан амалга оширилиши ЖПКнинг тортишувчанлик принципига зид саналади.

I боб бўйича хulosалар

Биринчидан, амалдаги қонунчилигимизда жиноят процессида иштирок этувчи субъект прокурорга хуқуқий таъриф берилмаганлиги сабабли унинг таърифини амалдаги ЖПКга келтириш лозим;

иккинчидан, прокурор деганда тушунилиши лозим бўлган мансандор шахслар рўйхатини қонунчиликда аниқ келтириш лозим;

учинчидан, жиноят процессида давлат айбловчиси тушунчаси чиқарилиб, прокурор сўзигина ишлатилиши таклиф қилинди;

II БОБ. Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштироқини таъминлаш амалиёти

2.1 Биринчи инстанция ва юқори инстанция судларида жиноят ишларининг кўрилишида прокурор иштироқининг ўзига хос жиҳатлари.

Маълумки, суд бир неча босқичлардан иборат. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу босқичларнинг ҳар бирида прокурор иштирок этиши ва жиноят ишининг тўғри ҳал қилиниши учун муҳим бўлган процессуал хатти-харакатларни амалга ошириши лозим.

Хўш, прокурор томонидан тасдиқланган жиноят иши судга келиб тушганидан ва суд ЖПК 397-моддасига кўра, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарганидан сўнг, прокурорнинг иштироқи айнан қайси босқичдан намоён бўлади?

Ўзбек олимларидан Д.Довудованинг фикрича, биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда суд муҳокамасигача бўлган босқичда прокурор бевосита аралashiши мумкин бўлган ва ўзининг қонуний ваколатидан фойдаланиши мумкин бўлган икки босқич мавжуд. *Биринчиси*, прокурор жиноят ишини суддан чақириб олиш бўлса, *иккинчиси*, ишда иштирок этиш учун жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш³⁴.

Олимнинг ушбу фикрларига тўла қўшиламиз. Чунки, одатда босқич дейилганда бир-бирига боғлиқ бўлган ва бири содир этилгандагина кейингиси амалга оширилиши назарда тутилади. Прокурорга тегишли бўлган юқоридаги ваколатлар ҳам айнан ушбу босқичда амалга оширилади ва якунланмасдан туриб суд муҳокамасининг бирорта босқичга ўтилмайди.

Прокурорнинг суддан чақириб олиш ваколатлари ҳақида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддаси иккинчи қисмида келтирилган. Унга кўра, айлов хулосасини, айлов далолатномасини, тиббий йўсингдаги мажбуровлор чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор

³⁴ Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш масалалари / Монография. –Тошкент.: “ЛЕССОН ПРЕСС”, 2020. 58-б.

ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар ишни суддан чақириб олиш хуқуқига эга.

Бироқ, Қонунда ушбу норма қайси асосларга кўра қўлланилиши мумкинлиги хусусида гап кетмаган. Бу ҳақида ЖПКда ҳам ёки Бош прокурорнинг тегишли соҳавий буйруғида ҳам айтиб ўтилмаган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, прокурорнинг чақириб олиш ваколатини талаб қилиб олиш ваколатидан фарқлай билиш лозим. Дарҳақиқат, ушбу икки ваколат бир-бирига қайсиdir маънода ўхшаб кетсада, бир қатор фарқлари мавжуд. Чунончи, суднинг хукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни прокурор ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш хуқуқига эга саналади. Демак, ушбу ваколатнинг қўлланилиши учун аввало, суднинг муҳокамаси ва унга тегишли барча босқичлар ўтиб бўлган, хукм қонуний кучга кирган бўлиши керак.

Хусусан, ЖПКнинг 503-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари жиноят ишини суд қарорлари устидан кассация тартибида протест киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун суддан талаб қилиб олишга ҳақли.

Бундан ташқари, Бош прокурорнинг 126-сонли соҳавий буйруғида ҳам чақариб олиш ҳақида гап кетган бўлиб, уни Қонунда қайд этилган чақириб олишдан фарқлай билиш лозим.

Чунончи, ушбу буйруқнинг 16.2-бандида келтирилган “Ишни судда кўриш бошлангунга қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки чақириб олиш ваколатларидан етарли асослар мавжуд бўлган ҳоллардагина фойдаланилсин”, кўрсатмаси протестни чақириб олиш маъносида қўлланилган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 35-моддаси 6-қисмига кўра, Қозоғистон прокуратураси исталган жиноятни судгача

бўлган босқичда чақириб олиб, уни тугатиш хуқуқи мавжуд. Прокурор жиноят ишини чақириб олса ва уни тугатса, айнан ушбу асосларга кўра судга қайта юборишга йўл қўйилмайди.

Бизнинг фикримизча, миллий қонунчиликка шунга ўхшаган хуқуқий нормани ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, биринчидан, прокурор томонидан жиноят ишини чақириб олиниши ва тугатилиши ҳар хил шубҳали ва коррупцион ҳолатларга йўл очса, иккинчидан, жиноят иши судга келгунига қадар прокурорнинг назоратидан ўтади. Табиийки, терговдаги камчиликлар ҳам ўша заҳоти тузатилиши лозим бўлади. Агарда қандайдир ҳолатлар туфайли прокурор ҳам кейинчалик жиноят иши хато эканлигини ёки айбланувчининг айбсиз эканлигини билиб қолган тақдирда ҳам айбловни ўзгартириши ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариши ёхуд суд мухокамаси пайтида ўзининг айбловдан воз кечиш ваколатидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Прокурорнинг жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашга қадар фойдаланиши мумкин бўлган навбатдаги ваколати бу, ишда иштирок этиш учун жиноят иши хужжатлари билан танишиб чиқишидир.

Ушбу босқичнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, жиноят иши прокурор томонидан пухта ўрганилиши натижасида жиноят ишларини судларда кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ошади. Бундан ташқари, айнан жиноят судида ишни кўрилишида иштирок этиши лозим бўлган прокуратура органи ходими ишда иштирок этиш учун тегишли прокурордан топшириқни қабул қилиб олади.

Олим А.Кпириннинг фикрича, айнан ушбу босқичда прокурорнинг давлат айбловчиси сифатидаги процессуал мақоми вужудга келади³⁵.

Дарҳақиқат, ушбу фикрга биз ҳам қўшиламиз. Бош прокурорнинг 126-сонли соҳавий буйруғида ҳам жиноят ишларинг судларда кўрилишида алоҳида тайёргарлик кўрилиши лозимлиги ҳакида кўрсатмалар мавжуд.

³⁵ Спирина. А.В. Формирование внутреннего убеждения государственного обвинителя// Научный вестник Омской академии МВД России № 3(70), 2018. С.16.

Чунончи, ушбу буйруқнинг 6-бандида, “Прокурорлар суд мажлиси бошлангунга қадар пухта тайёргарлик кўриб, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилганлигини ўргансинлар”, деб қайд этилган.

Шунга ўхшаш талаблар Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2012 йил 25 декабрдаги 465-сон буйруғи 4-бандида ҳам келтирилган бўлиб, хусусан, прокуратура раҳбарлари давлат айловчиларини, уларга суд муҳокамасига тайёрланиш учун реал вақт тақдим этган ҳолда, тайинлашлари лозимлиги, судда иштирок этиш ҳақидаги топшириқларни ёзма шаклда беришлари белгилаб қўйилган³⁶.

Албатта, давлат айловчиси судда давлат айловини қўллаб-қувватлаш ҳақида топшириқ олган пайтдан бошлаб у суд мажлисига тайёргарлик кўра бошлиши, бунинг учун у мавжуд далиллар йифиндисини холисона баҳолаши, ўз тактик ҳаракатларини ишлаб чиқиши, зарур ҳолларда тайёргарлик кўриш ва ўз позициясини асослаш учун суддан вақт беришни сўраши лозим³⁷.

Профессор Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокурор айнан суд муҳокамасида қатнашишга тайёргарлик кўриш босқичида иш учун аҳамиятли ахбаротларни олиши, уларнинг маъносини тушуниб етиши ва таҳлил қилиши ҳамда шу ҳаракатлар асосида суддаги ўз иштирокининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиши лозим³⁸.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, ЖПКда жиноят ишларини биринчи инстанция сифатида кўрилишида айнан қайси прокурорнинг иштирок этиши масаласи очиқ қолган. Амалдаги қонун нормаларини шарҳлайдиган бўлсак, табиийки, жиноят иши кўрилаётган туман (шаҳар) прокуратурасининг прокурори ёки у томонидан ваколат берилган прокурор ёрдамчилари қатнашишлари мумкин деган холосага келамиз, лекин бир нарсани ҳам унутмаслигимиз лозим: ЖПК 389-моддасига кўра айрим турдаги жиноят

³⁶ Борисенко И.В. Актуалные проблемы участия прокуроров рассмотрении уголовных дел судами // Серия “Экономика, право и управление”. 4/2016. С.173.

³⁷ Курочкина Л.А. Прокурор в суде апелляционной инстанции: кто он? // Законность. 2016. № 7.

³⁸ Б.Х.Пўлатов. Прокурорнинг давлат айловини қувватлашга тайёргарлик кўришининг аҳамияти ва мазмуни. Давлат айловчиси учун илмий-услубий қўлланмана. –Т. 2003. -5 Б.

ишлари Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят ва Тошкент шаҳар судининг судловига тегишли бўлган ишлар кўрилиши мумкин ёки муракқаблиги ва аҳамиятлилигига қараб баъзи бир ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судида ҳам кўриб чиқилади. Шу каби вазиятлар юзага келганда жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаётган судья ёрдамчиси аниқ хуқуқий норма мавжуд бўлмаганлиги сабабли суд мажлисига қайси прокурорни жалб этиши лозимлиги юзасидан қонуний тўхтамга келолмайди.

Бироқ, ушбу ўхша什 айрим масалалар Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи билан тартибга солинганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Унга кўра, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан бошқа худудда ишларнинг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш қоида тариқасида, иш кўрилаётган туман (шаҳар) прокурори томонидан амалга оширилиши лозимлиги; транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар томонидан судга юборилган жиноят ишлари ва материалларнинг туман (шаҳар) судларида кўрилишида прокурор иштироки транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар ходимлари томонидан таъминланиши; алоҳида ҳолларда, ушбу ишларнинг кўрилишида худуд прокуратуралари ходимларининг иштирок этишига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг соҳавий ўринбосарлари розилиги билан йўл қўйилиши кераклиги белгиланган³⁹.

Бироқ, ушбу буйруқда ҳам иш биринчи инстанция сифатида кўриб чиқилаётганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судида қайси прокурор иштирок этиши лозимлиги аниқ қайд этилмаган.

Фарқли равишда, ЖПКнинг 497¹⁶-моддасида апелляция инстанцияси суд мажлисида, 509⁶-моддада эса кассация инстанцияси суд мажлисида иштирок этиш ваколатига эга бўлган прокурорлар аниқ белгилиб қўйилган.

Амалиётда биринчи инстанция судларида туман (шаҳар) прокурорлари,

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 27.11.2015 й. 126-сонли буйруғи.

уларнинг ўринбосарлари, прокурор ёрдамчилари, прокурорнинг топшириғига кўра ишда “прокурор” сифатида қатнашадиган прокуратуранинг терговчилари, юқори турувчи прокурорлар ва юқори турувчи прокурорнинг топшириғига кўра ишда “прокурор” сифатида қатнашадиган прокуратуранинг бошқа барча ходимлари қатнашади⁴⁰.

Ушбу масалага Д.Довудова ҳам ўз эътиборини қаратган ҳолатда амалдаги ЖПКни 408¹-модда билан, яъни судда ишлар биринчи инстанция тартибида кўрилишида қайси прокурорларнинг иштирок этиши бўйича аниқ қоида билан тўлдириш таклифини беради.

Бизнинг фикримизча ҳам амалдаги ЖПКга ишни биринчи инстанция сифатида кўриб чиқаётган суднинг хусусиятидан келиб чиқиб қайси прокурор иштирок этиши лозимлиги бўйича маҳсус нормаларни киритиш лозим.

Жиноят иши билан танишиш жараёни якунига етгандан сўнг ЖПКга кўра жиноят ишининг судда кўрилиши суд мажлисининг тайёрлов қисмидан бошланади. Бу босқичда бир қатор процессуал ҳаракатлар амалга оширилади, шу жумладан рад этиш маласаси ҳам ҳал қилинади.

Ўзининг ишда иштирок этишига монелик қиласидиган, яъни ЖПКнинг 76-80-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида прокурор ўзини ўзи, шунингдек, қайд қилинган омиллар аниқланганда, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, ҳимоячи, шу жумладан, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар вакилини рад этиши лозим. Рад қилиш ҳақидаги арз асослантирилган бўлиши лозим. Илтимослар қилиш ва уларни ҳал этиш суд мажлисининг тайёрлов қисмидаги муҳим ҳолатлардан хисобланади⁴¹.

Суд муҳокамаси мобайнида прокурорни рад этиш асослари пайдо бўлиб қолса, прокурор алмаштирилади ва иш бошқатдан, яъни янгидан

⁴⁰ О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография./-Т.: ТДЮИ. 2005. -29 Б.

⁴¹ Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўкув қўлланма.-Т.2004. 102 б .

кўрилади, чунки шу вақтгача бўлган суд мухокамаси босқичи ноқонуний хисобланади, бу эса ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўлиб хизмат қилади⁴².

Маълумки, ЖПК 76-моддасида қўйидагича норма мавжуд: Биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси судида ишни кўришда иштирок этган судья ўз иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим бекор қилинганидан кейин ўша ишни кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида кўришда ёхуд ишни кассация тартибида тақроран кўришда иштирок эта олмайди.

Бироқ, ҳар битта инстанцияда прокурорнинг ҳам иштирок этиши шартлигини инобатга олган ҳолатда айнан бир прокурор томонидан битта жиноят ишини тақроран кўрилишида иштироки масаласи очиқ қолган. Яъни, амалиётда жиноят ишини биринчи инстанция судида кўрилишида иштирок этган прокурор лавозимининг кўтарилиши натижасида айнан ушбу жиноят иши бўйича юқори инстанция судларида қатнашиши мумкин ва буни чекловчи норма мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, бир жиноят ишининг кўрилишида иштирок этган прокурор шу жиноят иши бўйича ўзининг якуний фикрини айтиб бўлган бўлади ва суднинг ҳукмидан норози бўлган тарафнинг берган шикояти бўйича юқори инстанцияда ишлар кўрилишида айнан ўша прокурорнинг иштирок этиши ишни тўғри ҳал этилиши, қолаверса, холислик нуқтайи-

⁴² Н.Н.Норпўлатов. Суд мухокамасига тайёргарлик қилиш, амалий ва назарий муаммолар. Юридик фанлар номзодлиги учун тайёрланган дисс. –Т.2000 -68 б

назаридан ҳам тўғри келмайди.

Шу сабабдан, ЖПК 76-моддасига: бир инстанция судида иштирок этган прокурор юқори инстанция судларида ишини тақроран кўрилишида иштирок этмаслиги лозимлиги мазмунидаги ҳуқуқий норма киритилиши лозим.

Прокурорнинг жиноят ишларини судларда кўрилишидаги иштироки ҳақида гапирав эканмиз амалдаги ЖПК билан тартибга солинмаган яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Бош прокурорнинг 126-сонли буйруғининг 4-банди 2-қисмида, ишнинг муракқаблиги ва долзарблигини инобатга олиб, айловни давлат айловчилари гуруҳи томонидан қувватлаш амалиётидан фойдаланиш лозимлиги белгиланган. Бироқ, процессуал қонунчиликда бунга доир ёки ўхшаш нормани учратмаймиз. Россия Жиноят-процессуал кодексининг 246-моддаси тўртинчи қисмида давлат айловини бир неча прокурорлар томонидан қувватланиши мумкинлиги белгиланган бўлса⁴³, Қозоғистон Республикаси ЖПК 337-моддаси иккинчи қисмида Муракқаб ва кўп эпизодли ишларда давлат айлови бир нечта прокурорлар томонидан қўллаб-куватланиши мумкинлиги қайд этилган⁴⁴.

Бундан ташқари, Германия Жиноят-процессуал кодекси 227-моддасида ҳам бир нечта прокурор ва ҳимоячиларнинг иштироки масаласидаги ҳуқуқий норма мавжуд бўлиб, унга кўра, суд мухокамасида прокуратуранинг бир неча мансабдор шахслари ва бир нечта ҳимоячилар иштирок этиш ва зиммаларидаги мажбуриятларни тақсимлаш ҳуқуқига эга⁴⁵.

Амалиётда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилмаган бўлсада, Бош прокурор буйруғида қайд этилганлиги учун ҳам айловни прокурорлар гуруҳи томонидан қувватлаш ҳақидаги қоида қўлланилиб келинмоқда. Фикримизча, ушбу институтни амалдаги ЖПКга киритишимиш ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришимиз

⁴³ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481.

⁴⁴ <https://online.zakon.kz/document>.

⁴⁵ https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stpo

лозим. Чунки, айловни прокурорлар гурухи томонидан қўллаб-куватланиши бир қанча асосларга кўра, жиноят ишининг мураккаблиги, катта ижтимоий резонанс бериши мумкинлиги, оммавий-ахборот воситаларининг диққат-эътиборида турганлиги, кадрларни таёrlаш (менторлик) фаолияти мақсад қилиб кўзланган бўлиши мумкин.

Судда жиноят ишини кўриш учун тузилган прокурорлар гурухига, албатта шу гуруҳ етакчисини тайинлаш ҳам керак бўлади.

Гурухнинг ҳар бир аъзоси жиноят иши материали билан тўлиқ танишган бўлиши ва айлов бўйича яқдил позиция намойиш этиши керак. Айловни ўзгартириш ёки айловдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш бўйича ҳам гуруҳ иштирокчиларининг розилиги талаб этилади. Айловни ўқиб эшиттириш, далилларни тақдим этиш, музокара нутқини амалга ошириш гуруҳ томонидан олдиндан келишилган прокурор томонидан амалга оширилиши лозим. Гуруҳ таркибидаги бир прокурорнинг келмаслиги суд мажлисини кейинга қолдиришга асос бўлмаслиги лозим⁴⁶.

Умуман олганда, ушбу институтни такомиллаштиришга бугунги кунда эҳтиёж мавжуд. Унинг назарий ва ҳукукий асосларининг белгилаб берилиши эса унинг самарали фаолият юритишини белгилаб беради.

Прокурор суд мажлисида иштирок этар экан ҳар бир суд босқичига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашиши талаб этилади. Айниқса прокурор музокара нутқини қонуний ва асосли амалга ошириши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, прокурор нутқи судьяларда ички ишонч уйғонишига, қонуний ва асосли ҳукм чиқарилишига кўмаклашади⁴⁷.

Юридик фанлари номзоди, доцент Д.С.Довудова прокурор нутқига куйидагича таъриф беради: прокурор фикри – бу суд тергови натижалари бўйича музокара қисмда баён этиладиган, судланувчини жиноят содир

⁴⁶ Данилевич, А. А. Поддержание государственного обвинения в суде [Электронный ресурс] : пособие / А. А. Данилевич, О. В. Петрова. – Минск : БГУ, 2020. С.24.

⁴⁷ Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. 126Б.

етишда айборлигини исботловчи ёки рад этувчи асослантирилган ҳолда ички ишончга таянган нутқидир⁴⁸.

Албатта, биз ҳам юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда айтишимиз мумкунки, прокурор музокара нутқига киришар экан жиноят иши бўйича ҳар бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратган бўлиши, ўз фикрини амалдаги қонун хужжатлари билан далиллаши, шунингдек, ҳимоячи томонидан билдирилиши мумкин бўлган эътиroz ва мулоҳазага тайёр ҳолда билдириши керак.

Шу ўринда ЖПКда мавжуд бўлган айrim бир масалага тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, ЖПКнинг 449-моддасида тарафлар музокарасининг мазмuni ва тартиби келтирилган. Унга кўра, суд тарафларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда сўзга чиқиш навбатини биринчи бўлиб ҳимоячи ёки жамоат ҳимоячисига ҳам бериши мумкин. Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан яна бир марта сўзга чиқишлари мумкин ва сўнгги эътиroz билдириш ҳамиша ҳимоячи ва судланувчига берилади.

Ушбу ҳуқуқий нормадан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, агар ҳимоячи музокара нутқига тайёrlигини билдиrsaю, кейинги бир марта эътиroz билдириш ҳуқуқидан прокурорнинг музокара нутқидан сўнг фойдаланса ва прокурор ҳам ўз навбатида яна эътиroz билан мурожаат қилса, ЖПКда қайд этилган сўнгги эътиroz билдириш ҳуқуқи бузилади. Яъни, ЖПК талаби бўйича сўнгги эътиroz прокурорга берилмаган ҳолда прокурор сўнгги эътиroz ва мулоҳазани билдирган бўлади.

Шу сабабдан ҳам ушбу ҳуқуқий нормани қайta кўриб чиқиш лозим.

Бизнинг фикримизча, ЖПК 449-моддасида қайд этилган бир мартадан эътиroz ва мулоҳазани билдириш ҳуқуқи бу ЖПК 25-моддасида қайд этилган судда ишларни тортишувчанлик тамойили асосида амалга оширилишига

⁴⁸ Д.С.Довудова. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурорнинг айблов нутқи ва унга қўйилган талаблар/ ўқув-амалий қўлланма. 9-бет.

тўсиқ бўлувчи омиллардан биридир. Чунки, агар тарафлар ўртасида тортишувчанлик принципини тўла намоён қилмоқчи бўлсақ, тарафларга бир мартадан иборат бўлган мулоҳаза ва эътиrozларни билдириш хуқуқини чеклаб қўймаслигимиз зарурдир. Масалан, Россия Жиноят-процессуал кодексининг 337-моддасида тарафларнинг мулоҳаза ва эътиroz билдириш хуқуқи келтирилган бўлиб, бир марта деб чеклаб қўйилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Шу сабабдан ҳам амалдаги ЖПК 449-моддасидаги “Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан яна бир марта сўзга чиқшилари мумкин” деган қоидадаги яна бир марта деган сўзни чиқариб ташлаши таклифини берамиз.

Сир эмаски, жиноят ишлари бўйича суд хукми, ажрим ва қарорларнинг хақиқийлиги, асослилиги ваadolatлилигини апелляция ва кассация инстанцияларда текшириш қонунийлик ва фуқаролар хуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг кафолати ва одил судлов сифатини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Авваламбор, ҳалкаро хужжатларда суд хужжатидан норози бўлган тарафга шикоят қилиш хуқуқи берилган бўлиб, юкори суд инстанциялари томонидан қайта кўриб чиқилишига бўлган ушбу хуқуқ 1966 йил 16 декабрдаги фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги ҳалкаро пактда мустахкамланган ва Ўзбекистон Республикаси ушбу пактга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 127-1-сон "1966 йил 16 декабрдаги фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги ҳалкаро пактга кўшилиш хақида"ги Қарори⁴⁹ билан қўшилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Конуенининг 35-моддасига биноан прокурор ҳам процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг хукми, ҳал қилув қарори,

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси , 1995 й 4-сон, 202- модда.

ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли. Протест келтириш прокурорнинг ваколат доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у протест келтириш тўғрисида тақдимоти билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этади.

ЖПК 497²-моддаси 1-қисмида прокурор ва унинг ўринбосари қонуний кучга кирмаган суд ҳукмлари устидан апелляция тартибида протест келтириши мумкинлиги белгиланган бўлса, 499-моддада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими устидан кассация тартибида протест билдиришга ҳақлилиги келтирилган.

Бундан ташқари, ЖПК 498-моддаси иккинчи қисмида кассация инстанцияси судининг қарорлари Кодекснинг 497¹⁹-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра тақороран кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Прокурорнинг юқори инстанцияси судларида иштироки хусусида турли қарашлар илгари сурилган.

Хусусан, О.Капинуснинг фикрича, прокурор ўз фаолиятини юқори инстанцияси давом эттирас экан, жиноий тақибни амалга оширишдан тўхтамайди, бироқ ушбу вазифа биринчи инстанция судидаги давлат айловчисининг вазифасидан фарқли равишда прокурор томонидан турли мақомда, масалан давлат айловчиси, прокурор ёки юкори турувчи прокурор макомида амалга оширилиши мумкин. Яъни, биринчи инстанция судида прокурор ягона ҳуқуқий мақомга - давлат айловчиси мақомига эга бўлади. Ўз навбатида апелляция, ва кассации инстанцияси судларида прокурорнинг процессуал мақоми ягона бўлмай, унинг фаолияти процессуал мазмунида турли мураккабликлар (мақсадлар, вазифалар турлилиги, турли даражадаги прокурорларнинг процессуал муносабатлари билан боғлиқ) ҳамда юқори суд

инстанцияларида прокурор фаолиятини ташкил этиш билан боғлик муаммоларни келтириб чиқариши мумкин"⁵⁰.

Шунингдек, В.Крюков прокурор томонидан юқори суд инстанцияларида қуидаги учта функция бажарилишини таъкидлаган: процессуал, суд хатоларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича процессуал чоралар кўриш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари. Бунда процессуал функция орқали қонуний ва асосли айловни қувватлаш ифодаланса, суд хатоларини аниқлаш функцияси ижрога факат адолатли суд ҳукмларини қаратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси жиноят процесси иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш имконини беради. Санаб ўтилган функцияларнинг барчаси ўзаро боғлик ҳисобланади".⁵¹

Қайд этилганлар асосида таъкидлаш мумкинки, ЖПКнинг 27-моддасида мустаҳкамланган суднинг қарорлари устидан шикоят (протест) бериш ҳуқуки қонуний ва адолатли суд қарорлари чиқарилишига хизмат қиласи. Бунда давлат айловчисининг иштироки муҳим бўлиб, суд томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқ давлат айловчисидан юқори билим малакани талаб қиласи. Бу эса ушбу касб вакилларининг доимий равишда изланишда бўлишларини тақозо этади.

⁵⁰ Капинус ОС К вопросу о процессуальном положении прокурора в уголовном судопроизводстве// Прокурор 2013, № 2.С 56

⁵¹ Крюков В.Ф Прововой статус прокурора в уголовном преследовании(досудебное и судебное производство); авто-реф.дис... д-ра юрид. Раук М., 2012. С18-19

2§ Прокурор - давлат айболовидан воз кечувчи субъект сифатида

Жадал ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги даврда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бу хусусда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3723-сонли Қарори ва унга илова қилинган Концепцияси қонунчилигимизда янги ислоҳотлар тўлқинини бошлаб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Суд-хуқуқ ислоҳотлари амалга оширилар экан, ушбу ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ бўлган орган – прокуратура органларининг фаолият юритиши, такомиллаштирилиши, ваколатлари кенгайтирилиши ва ундаги айрим ваколатларни қайтадан кўриб чиқилишига эҳтиёж туғилаверади. Чунки прокуратура органлари фаолияти фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқдир.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида⁵² Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ти Қонунининг 2-моддасида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири деб белгиланган⁵³.

⁵² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.. Ўзбекистон-2021.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ти Қонуни (янги таҳрир). 29.08.2001 y.257-II-sон <http://www.lex.uz/docs/106197>.

Айниқса, фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш прокурорнинг судларда ишларни кўришда қонунда белгиланган тартибда иштирок этишида ҳам яққол кўринади.

Бироқ, айрим хуқуқшунос олимлар, давлат айловини қўллаб-куватлаганлиги сабабли жиноят судларидаги прокурорнинг иштирокини фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш функциясидан ташқарида деб ҳисоблашади.

Хусусан, баъзи олимлар жиноят ишлари судда кўрилаётганда фақатгина суднинг ўзи ҳукмонлик қиласи, прокурор эса жиноят ишини қўзғатган терговчининг жиноий таъқибинигина судда давом эттиради деб ҳисоблашса⁵⁴, яна бошқа бир олимнинг фикрига кўра, прокурорнинг жиноят судларидаги иштироки прокуратуранинг қонунларга аниқ ва бир хилда риоя қилинишини назорат қилиш функциясидан келиб чиқади деб таъкидлашади⁵⁵.

Бироқ, бунга қарама-қарши ўлароқ, рус олими А.А.Тушев суд босқичидаги прокурорнинг роли бир қанча шаклларда намоён бўлади, хусусан, у давлат вакили бўлиш билан биргаликда фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қиласи (масалан, жабрланувчи ва фуқаровий дъявогарга етказилган зарарни ундирилишини сўрайди)⁵⁶.

Ўзбек олимларидан Д.Довудованинг таъкидлашича, прокурор судда давлатнинг вакили сифатида айловни қувватлаб, ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига кўмаклашади ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган

⁵⁴ Лазарева В.А. Участие прокурора в уголовном процессе. учебное пособие для бакалавриата имагистратуры / В. А. Лазарева. — 2-е изд., перераб. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2014. С. 103.

⁵⁵ Мадалиев О.М. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг ishtiroki.Monografiya./-Т.: ТДЮИ, 2005. -11 Б.

⁵⁶ Тушев А. А. Участие прокурора в уголовном процессе : учеб. пособие / А. А. Тушев. – Краснодар : КубГАУ, 2019. С 12.

манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди⁵⁷.

Бу борада тадқиқотлар олиб борган Э.Галимовнинг фикрича, давлат айбловчиси факатгина шахснинг унга эълон килинган айблов бўйича айбордлигига ишончи комил булгандагина давлат айбловини қўллаб-куватлаши керак. Судланувчининг айбисизлигига ишонч пайдо бўлган ҳолатда давлат айбловчиси давлат айбловини қўлламаслиги ва бундан воз кечиши лозим.⁵⁸

Дарҳақиқат, сир эмаски, жиноят судларида прокурор давлат айбловини қўллаб-куватлаганлиги учун фуқаролар олдида «қораловчи» сифатида намоён бўлади. Аслида, юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда шуни айтишимиз лозимки, прокурор жиноят судларидаги фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимояси кафилидир. Чунки, унга давлат айбловини ҳимоя қилиш билан биргаликда, ундан воз кечиш ваколати ҳам берилган. Аммо, амалиётда прокурорлар ушбу ваколатдан қанчалик фойдаланишмоқда?

2020 йил 30 июндаги одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишлиланган видеоселектор йиғилишида 2018-2019 йилларда биринчи инстанция судларида жами 192 та жиноят иши бўйича 307 нафар шахс оқланган бўлсада, ҳеч қайси ҳолатда прокурор айбловдан воз кечмаган. Шу боис тергов жараёнидаги хатолар суд мажлисида аниқланса, прокурор суднинг тугашини кутиб ўтирмасдан, ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечадиган тартиб жорий этилиши лозимлиги қайд этилган эди⁵⁹.

Бироқ, ҳанузгача айбловдан воз кечиш амалиёти кенг тарқалмади ва бу фикримизча, айбловдан воз кечишнинг моддий ва процессуал-ҳуқуқий асослари тўла шакллантирилмаганлиги билан боғлиқ.

Чунончи, айбловдан воз кечиш хақида Ўзбекистон Республикаси

⁵⁷ Д.Довудова. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритища прокурор ваколати тушунчаси, юридик табиати. Мақола. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси Ахборотномаси. №4 (40) 2019. 65-б.

⁵⁸ Галимов Э.Р. Процессуальное положение государственного обвинителя в суде первой инстанции по уголовным делам Автореф. на соис. уч. степ канд. юр. наук. Челябинск, 2008, с. 7.

⁵⁹ President.uz/oz/lists/view/3684.

Жиноят-процессуал кодексининг фақатгина бир ўрнида, яъни 409-моддасидагина таъкидлаб ўтилган. Унга кўра, суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт. Прокурорнинг айловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишга сабаб бўлади. Шунингдек, прокурор айловнинг мазмунини ўзгартириш ёки айловдан воз кечиш сабаблари хусусидаги фикрини судга ёзма равища тақдим этиши шарт.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғига кўра, суд муҳокамасида текширилган далиллар асосида судланувчининг айбизлиги исботланган ва давлат айловини қувватлаётган прокурор бунга ишонч ҳосил қилган тақдирда, айловдан воз кечиш тўғрисидаги қонун талабларига сўзсиз амал қилиши лозимлиги қайд этилган⁶⁰.

Эътиборли жиҳати шундаки, қонунчилигимизда айловдан воз кечиши тартибга солувчи бундан бошқа хуқуқий нормалар мавжуд эмас. Қонунчилигимизда бу билан боғлиқ кўплаб жиҳатлар очик қолган, масалан, прокурор давлат айловидан воз кечганда тўлиқ воз кечиши керакми? Айловдан қисман воз кечса бўладими? Давлат айловидан воз кечиш фақат биринчи инстанция судларида бўлиши керакми? Апелляция ва кассация инстанцияларида давлат айловидан воз кечса бўладими ва бошқалар. Шу каби назарий ва амалий муаммоларни юзага келтираётган айловдан воз кечиш институтини тадқиқ қилишимиз ва қонунчилигимизга зарур бўлган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишимиз бугунги кундаги долзарб масаладир.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғининг 7.4-банди.

Дарҳақиқат, Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Консепциясининг⁶¹ “Жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилини жорий этиш” бўлимида прокурорнинг айловдан воз кечиш процессуал механизмини яратиш лозимлиги ҳақида таъкидлаб ўтилганлиги юқоридаги фикримизни яна бир далили десак янглишмаган бўламиз.

Прокурорнинг айловдан воз кечиши хусусида хорижий давлатларда бир қатор амалиёт шаклланган. Хусусан, Россия Федерацияси амалдаги жиноят-процессуал кодексининг 246-моддасининг 7-қисмига⁶² биноан прокурор айловдан воз кечишига ҳақли ва судга айловдан воз кечиш асосларини билдириши лозим. Худди бизнинг қонунчилигимизда мавжуд бўлгани каби Россия Федерациясида ҳам прокурорнинг давлат айловидан воз кечиши судда жиноят ишининг тугатилишига асос бўлади.

Қозоғистон жиноят-процессуал кодексида эса прокурорнинг айловдан воз кечиши ва унга боғлиқ кейинги жараёнлар кенгроқ ёритилган. Яъни, Қозоғистон ЖПКнинг 337-моддасига кўра, прокурор амалдаги қонунлар ва ўзининг ички ишончига асосланиб, судда кўрилган ва исботланган ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат айловини қувватлайди. Шунингдек, прокурор айловни ўзгартириши ҳам мумкин. Агарда суд муҳокамаси давомида судланувчининг айби йўқлиги исботланса, прокурор давлат айловидан қисман ёки тўлалигича воз кечиши лозим. Прокурорнинг айловдан воз кечишига суд тергови ёки суд муҳокамаси босқичида йўл қўйилади. Шунингдек, агар прокурор айловдан тўлалигича воз кечса ва бунга судланувчи рози бўлса, ишни кўришни суд тугатади. Судланувчи рози бўлмаган тақдирда эса, иш умумий тартибда давом эттирилади ва прокурор суд жараёнининг кейинг босқичларига қатнашишдан озод этилади. Бундай ҳолатда айловни қўллаб-қувватлаш судланувчининг шахсан ўзи ёки вакили орқали давом эттирилади. Агар прокурор айловдан қисман воз кечса, суд

⁶¹ <https://www.lex.uz/docs/3735818>.

⁶² <https://www.zakonrf.info/upk/246>.

айнан айболовнинг рад этилган қисми бўйича ишни тугатиб, қолгани бўйича иш юритишни умумий тартибда давом эттиради⁶³.

Шунга ўхшаш концепция Қирғизистон Жиноят-процессуал кодексида ҳам мавжуд бўлиб, унда “прокурорнинг айболовдан воз кечиши айбланувчи (судланувчи)нинг ўз айбини қўллаб-қувватлашига тўсқинлик қилмайди”, деб белгиланган⁶⁴.

2011 йилда қабул қилинган Янги Зелландия жиноят-процессуал Актига кўра, прокурор айрим тоифадаги жиноят ишларидан ташқари исталган жиноят иши бўйича айболовдан воз кечиши институти мавжуд бўлса, кўплаб англо-саксон ҳуқуқ оиласига тааллуқли бўлган давлатларда айболовни қўллаб-куватлаётган прокурор қуидаги сабаблардан бири бўлгандагина айболовдан воз кечиши мумкин: шахсга нисбатан қўзғатилган жиноят иши тааллуқли бўлмаса; айболовни амалга ошириш жамоат манфаатларига зарар етказса; айбосизлигини кўрсатувчи яққол далил мавжуд бўлса; айбни исботлаб берувчи аниқ, тўғри ва қонуний манбадан олинган далил мавжуд бўлмаса⁶⁵.

Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2012 йил 25 декабрдаги 465-сон "Жиноий ишларни юритишнинг боскичларида прокурорларнинг иштироки тўғрисида"ги буйруғида ўз аксини топган бўлиб, уна кўра, агар давлат айболовчисининг позицияси айболов хулосасида ёки айболов далолатномасида ифодалангандан позициядан фарқ қилган тақдирда, давлат айболовчиси бу ҳақда унга давлат айболовини қўллаб-қувватлашни топширган прокурорни зудлик билан хабардор қилиши лозим. Прокурорнинг позицияси давлат айболовчининг позицияси билан қарама-қарши бўлган тақдирда, давлат айболовчисини алмаштириши ёки давлат айболовини ўзи қўллаб-қувватлаши лозим. Бунда Бош прокурор давлат айболовчиларига нисбатан ҳар қандай тазийиққа, уларни судда тадқиқ қилинган далиллар билан исботини топмаган дастлабки тергов органи хулосаларини ҳимоя қилишга мажбур қилишга йўл

⁶³ https://kodeksy-kz.com/ka/ugolovno-protsessualnyj_kodeks/337.htm.

⁶⁴ <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111530>.

⁶⁵ <https://www.linkedin.com/pulse/overview-withdrawal-charges-pursuant-section-254-criminal-fuad>

қўйилмаслигини қайд этган.⁶⁶

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғида эса ишда иштирок этувчи давлат айловчисининг давлат айловидан воз кечиш тартиби келтирилмаган. ЖПКдаги ҳуқуқий нормалар, шунингдек, Бош прокурор томонидан белгилаб қўйилган раҳбарий кўрсатмалар мазмунидан келиб чиқиб хulosа қиласиган бўлсак, гўёки, бизда давлат айловидан воз кечаётган прокурор нисбатан мустақил эканлиги намоён бўлади. Бироқ, прокуратура марказлашганлик принципи асосида ташкил этилган ва қуи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга бўйсунади (Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиласиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда қуи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади)⁶⁷.

Шу сабабдан ҳам амалиётдан маълумки, прокурорнинг топшириғи асосида жиноят ишини кўришда иштирок этаётган прокуратура органи ходими давлат айловидан воз кечаётганда, албатта ушбу топшириқни берган раҳбар билан маслаҳатлашади.

Фикримизча, миллий қонунчилигимизнинг хусусиятидан келиб чиқиб, айловдан воз кечишнинг асосларини, қолаверса, айловдан воз кечаётган давлат айловчисининг раҳбар-прокурор билан олдин маслаҳатлашиб олиши лозимлиги хусусидаги қоидаларни Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида қайд этиб қўйишимиз лозим. Шундагина асоссиз, тажрибасизлик ёки бошқа ҳолатларнинг таъсири остидаги айловдан воз кечишларнинг олдини олинган бўлади.

Хulosа қилиб айтадиган бўлсак:

биринчидан, жиноят-процессуал қонунчилигимизга айловдан тўла ёки қисман воз кечиш тушунчаларини киритишимиз лозим;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал

⁶⁶ "Об участии прокуроров в судебных стадиях уголовного судопроизводство приказ Генерального прокурора РФ от 25 декабря 2012 г. № 465. Доступ из справ правовой системы "КонсультантПлюс"

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни. 5-модда.

кодексининг 22-моддасида “...прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт” деган ҳақиқатни аниқлаш принципи мавжуд. Лекин ЖПКнинг 409-моддасида қайд этилган прокурорнинг айболовдан воз кечганлиги суд томонидан ишни реабилитация асосларига кўра тугатилишига асос бўлиши судга юклатилган мажбурият саналиб юқоридаги принципга ҳам зид саналади. Шу сабабдан, “реабилитация қилиш” ҳукукий нормани императив эмас, диспозитив қўринишга келтиришимиз лозим;

учинчидан, Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида давлат айболовчисининг позицияси айболов хулосасида ёки айболов далолатномасида ифодаланган позициядан фарқ қилган тақдирда, давлат айболовчиси бу ҳақда унга давлат айболовини қўллаб-қувватлашни топширган прокурорни зудлик билан хабардор қилиши лозимлиги ҳақидаги раҳбарий қоидани киритишимиз лозим.

Дарҳақиқат, прокурорнинг айболовдан воз кечиш институтини такомиллаштириш билан судларда ҳақиқий тортишувчанликни жорий қилишимиз ва энг асосийси, прокурорнинг судлардаги иштирокини халқимизнинг кўз ўнгига «қораловчи»дан, унинг фаолияти ва вазифаларини ўзида чиндан ҳам акс эттирувчи – фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришимиз мумкин бўлади.

II боб бўйича хулосалар

Мазкур боб яқуни бўйича қўйидаги хулосага келинди:

- Ишни суддан чақириб олиш бўйича қонунчиликда мавжуд бўлган ҳуқуқий бўшлиқ кўрсатилган;
- биринчи инстанция сифатида кўриб чиқаётган суднинг хусусиятидан келиб чиқиб қайси прокурор иштирок этиши лозимлиги бўйича маҳсус

нормаларни киритиш таклифи берилган;

- бир инстанция судида иштирок этган прокурор юқори инстанция судларида ишни такроран кўрилишида иштирок этмаслиги лозимлиги мазмунидаги қоида киритилиши лозимлиги бўйича фикр билдирилган;

- ишнинг мураккаблиги ва долзарбилигини инобатга олиб, айловни давлат айловчилари гуруҳи томонидан қувватлаш амалиётининг назарий асосларини такомиллаштириш таклифи асослантирилган;

- прокурор ва ҳимоячига тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларига истаганича реплика қилиши мумкинлиги бўйича қонунчиликка таклиф берилган;

- жиноят-процессуал қонунчилигига айловдан тўла ёки қисман возкечиш тушунчаларини киритиш лозимлиги хорижий тажриба билан асослантирилган;

- давлат айловчисининг позицияси айлов хулосасида ёки айлов далолатномасида ифодаланган позициядан фарқ қилган тақдирда, давлат айловчиси бу ҳақда унга давлат айловини қўллаб-қувватлашни топширган прокурорни зудлик билан хабардор қилиши лозимлиги ҳақидаги қоида ўрнатилиши асослантирилган.

ШАБДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР

3.1-§. Айрим хорижий давлатларда жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштирокига доир масалалар

Бугунги жадал ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда. . Бу борада хорижий давлатларда мавжуд бўган илгор тажрибани ўрганиш ва бу бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳар бир тадқиқотчининг олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади.

Шу сабабдан ҳам қуида айрим хорижий давлатларда мавжуд бўлган ва самарали фаолият юритаётган прокуратура органлари ёки ушбу органнинг вазифа ва функцияларини амалга оширувчи ташкилот ва тузилмалар ҳақида сўз юритамиз.

Германия. Германия прокуратурасининг функцияси ва ҳуқуқий мақоми “Судлар тизими” актининг 141 – 151-моддалари, Германия Жиноят-процессуал Кодексининг 158 – 163-моддаларида белгилаб қўйилган. Ушбу ҳуқуқий нормалар йўналтирувчи ва ташкилий тамойилларни, шунингдек, жиноят процэссидаги муҳим функцияларни белгилаб беради.

Германия прокуратураси нисбатан ёш институт ҳисобланади. Унинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши француз прокуратурасини эслатади. Дарҳақиқат, немис прокуратураси француз модели асосида ишлаб чиқилганлиги манбаларда қайд этилган⁶⁸.

XIX аср бошларигача Францияда яширин ва ёзма тергов ишлари инквизиция шаклида амалга оширилган. Инглиз ҳуқуқий институтларининг таъсирида Монтаске судларнинг тузулиши ва жиноят процесси

⁶⁸ Eberhard Siegismund. The public prosecution office in Germany: legal status, functions and organization. (From UNAFEI Annual Report for 2001 and Resource Material Series No. 60, P 58-76, 2003, Sean Erratt, ed. -- See NCJ-201693). P. 59.

жараёнларини татбиқ этиш борасидаги ғояларни илгари сургач ушбу институлар аста-секинлик билан бошқа давлатлар қонунчилигига қабул қилина бошланди. Айниқса, прокуратурага тегишли бўлган *ex officio* принципи, томонларнинг далилларни тақдим этиш мажбурияти, оғзаки иш юритиш принципи, суд ишларини ошкора юритиш, шунингдек, энг асосийси, жиной судлов судя ва суд муҳокамаси билангина ҳал этилиши шулар жумласидандир.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда Германия прокуратурасининг учта асосий функцияси мавжуд: булар

- Тергов устидан назоратни амалга оширади;
- Судларда давлат айбовини қўллаб-қувватлади;
- Жиноят процессидаги ҳукмларни ижро этишда ва маҳкумларни афв этишда масъулиятлли орган ҳисобланади.

Германия прокуратурасининг ташкилий тузулиши ҳакида гапирадиган бўлсак, айтиб ўтишимиз жоизки, ушбу органинг ташкилий асослари Судлар тизими актида, шунингдек, худудий адлия вазирларининг буйруқларида ўз аксини топган. Чунончи, Судлар тизими актининг 147-моддасига кўра, прокуратура тизими қуидаги раҳбарлик асосидаташкил этилган:

1. Федерал Адлий вазири ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Федерал Бош прокурор ва федерал прокурорлар;
2. Тегишли ер прокуратурасининг барча мансабдор шахслари бўйсунадиган адлия ер бошқармаси;
3. Юқори худудий ва худудий судлар хузуридаги прокуратуралар.

Германияда 114 та ер суди бўлиб, улар ишларни биринчи инстанция ҳамда апелляция инстанциясида кўриб чиқади. Ҳар бир ер судининг эса ўз прокуратураси бор.

Ҳар 24 та юқори ер судининг қошида (ер адлия вазирлигига бўйсунувчи бош прокуратура бор.

Олий федерал суди қошида Федерал адлия вазирлигига бўйсунадиган Федерал бош прокуратура бор.

Федерал бош прокурор ерлар прокурорларига кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

Германия прокуратура органларида жами 4500 прокурорлар ишлайди.

Ҳокимиятлар бўлиниши тизимида прокуратура органлари суднинг эмас ижро ҳокимиятининг таркибий қисмидир. Прокуратура ижро ҳокимияти тизимидағи маъмурий бошқармаларга киради, бу бошқарма эса – адлия тизимиға.

Прокуратурага адлия органлари фаолиятини таъминлаш вазифаси юқлатилган бўлиб, бу вазифани эса улар суд билан ҳамкорликда ва тенг хуқуқларда бажаради.

Прокурорлар, уларнинг мақомидан қатъи назар давлат чиновниклари ҳисобланади.

Бу ҳақида “Судлартизими” актининг 148-моддасида ҳам белгиланиб қўйилган.

Франция. Франция прокуратурасининг (французча - тҳе прокуреур) ўзига хос хусусиятидан бири бу, ижро этувчи ҳокимиятга жудаям яқинлиги саналади. Шу сабабдан ҳам илмий тадқиқотларнинг кўпчилиги ушбу органнинг ҳукуматдан қанчалик мустақил эканлигига эътибор қаратиб, унинг конституциявий, қолаверса назарий нуқтайи назардан таҳлил қиласи (масалан, Rassat 1967; Delmas-Marty 1994; Favoreu 1994; Pradel and Laborde 1997; Dintilhac 2002; Breen 2003; Renucci 2004; Robert 2011; Pradel 2011; Pradel 2013 шулар жумласидандир)⁶⁹.

Францияда кўплаб жиноят ишлари бўйича терговни парқует (жамоат вазирлиги ёки прокурор) назорати остида полиция амалга оширади, фақатгина мураккаб ва оғир жиноятлар терговини суднинг назорати остидаги полиция амалга оширади. Гуманланувчи хибсга олинганда ва сўрок қилинганда адвокат (гарде а вуе) хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади

⁶⁹ Jacqueline Hodgson* & Laurène Soubise*School of Law, University of Warwick, Uk. Prosecution in France. <https://www.researchgate.net/publication/317037650>.

ва эҳтиёт чораси 48 соатни, уюшган жиноят ёки терроризм билан айбланаётганда эса 96 соатни ташкил этади.

Тергов якунланганидан сўнг, прокурор ушбу жиноят ишини судга ошириш ёки оширмаслик бўйича қарор қабул қиласди. Бу борада унинг олдида жиноят ишини тезкор суд ўтказиш учун тақдим қилиш, айбига иқрорлик бўйича келишув тузиш, жиноят ишини суднинг назорати остидаги терговга жўнатиш ёки жиноят ишини тутгатиш.

Жиноят ишини қўриш учун судга ошириш бўйича қарор чиқарган прокурор жиноят ишининг қўрилишида иштирок этади ва ишнинг якуни бўйича ё судланувчининг оқланишини ёки айбли деб топилишини сўраб, жазо тури ва миқдори бўйича ўз фикрини баён қиласди.

Умуман олганда, прокуратура ишларни қўришда жамоат манфаатларини ҳимоя қиласди. Уларнинг ваколати нафақат судларда ишларни қўришда, балки улар апелляция масалаларида Олий суд олдидаги вазифаларини ҳам бажаришдир. Оддий ва фавқулодда қўриб чиқиш шаклида прокурорлар суд қарорларига апелляция тартибида шикоят қилиш ҳукуқига эга⁷⁰.

Шунингдек, Кассация судларида прокуратура маҳкамаси мавжуд бўлиб, уҳсбу маҳкаманинг бошлиғи бўлмиш прокурор судга ўз маслаҳатларини бериб боради. Унга “авокатс генераух” деб номланган маҳкама проркурорининг ўринбосари асистентлик қиласди. Ушбу маҳкаманинг бошлиғи ва унинг ўринбосари мустақил субект саналади ва Адлия вазирлигига бўйсинмайди. Ушбу маҳкаманинг фаолият юритишидан асосий мақсад қонунларнинг тўғри талқин қилинишини кафолатлаш ва амалдаги қонунчиликни жамият манфаатларига мос тарзда қўлланилишини таъминлашдир. Шунингдек, ушбу тузилма Кассация судининг суд амалиёти бўйича қарорларининг яхлитлиги ва ўзгармаслигига ўз ҳиссасини қўшади⁷¹.

⁷⁰ Rijksuniveriteit Groningen, Unity and diversity of Prosecution services in Europa, a study of Czech, Dutch, French and Polish system resource.

⁷¹ https://www.justice.gouv.fr/art_pix/french_legal_system.

Америка Қўшма Штатлари. Америка Қўшма Штатларида давлат айбови прокуратура органлари тизимиға кирувчи атторней хизмати томонидан амалга оширилади. Ушбу органни ташкил этиш ва уни фаолиятини амалиётга татбик этишда АҚШнинг биринчи Президенти Джордж Вашингтон хизматлари катта бўлиб, у 1789 йил 30 апрелда ижро аппаратини мустаҳкамлаш мақсадида АҚШ департаментини ташкил этган хамда унга Бош атторней раҳбарлик килишини буюрган.

АҚШда атторней хизмати иккита муҳим ва асосий вазифани бажаради:

- конун ижросини таъминлаб, жиной таъкибни амалга оширади;
- полициянинг жиноятларни тергов килишида конунларни тугри ва аник бажарилиши устидан назорат олиб боради ва судда айбловни давлат номидан кувватлайди.⁷²

Ушбу вазифаларда келиб чикиб, жиной таъкибни амалга ошириб, терговни бошлиш; жиноят ишини юритиш; полиция терговнинг натижалари ва боришини кузатиш, олиб борилаётган тергов ишларини конунийлигини назорат қилиш: далилларни дастлабки йиғишга раҳбарлик қилиш; Конституция билан тақдим этилган ваколатлар доирасида айбланувчини қамоқقا олиш ёки уни гаров эвазига озодликка чиқариш; гувоҳларни ва гумон килинаётган шахсни сўроқ қилиш каби ваколатларга эга. Шунингдек, у айбловни шакллантиради ва судда қўллаб-қувватлайди"⁷³

АҚШда давлат айбловчиси (прокурор) полиция органидан келиб тушган материалларни кўриб чиқиб, жинсий айбловни расман судга чиқариш ваколатига эга. Бу борада айрим олимларнинг фикрича, "бунда тактик нуқтаи-назардан келиб чиқиб, суд томонидан номақбул деб эътироф этилиши эҳтимоли юқори бўлган далиллар судга тақдим этилмайди. Бу жараёнда полиция ва прокурорнинг мақсадлари турлича бўлади, яъни гумон килинувчи қамалган пайтдан бошлаб полиция учун иш тутаган ҳисобланади.

⁷² Николайчик В.Н. Уголовный процесс США. М. 2001. - 16-19.

⁷³ Чельно-Бебутон М.А. Курс уголовно-процессуального права Очерки по истории сущк и уголовного посс рабоьских феодальных и брюшных государств - СПб., 1995 С. 527.528

Прокурорнинг мақсади эса – ишни судда ютиб чиқиш ҳисобланади.⁷⁴ Шу сабабли атторней иш материалини юритиш давомида мустақил тарзда далилларни йигади, гувоҳ жабрланувчиларни полиция сўроғидан сўнг сўроқ қиласи, шубҳали йиғилган далилларни текширади. Шунингдек, атторней судда давлат айловини тўлиқ қўллаб-қувватлаш мақсадида полиция ва бошқа тергов органлари тақдим этилган иш материаларидан фарқ қилувчи ўзининг мустақил алоҳида иш материалини тайёрлаши мумкин. Бундан мақсад судда айловни аниқ қўйиш учун далилиларни йиғишида ўзи иштирок этганлиги, текшириб гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилганлиги учун аниқ позицияга эга бўлиб ҳисобланади. У ҳаттоки, давлат айловини судда самарали қувватлашга ҳалақит бермаслик ва судгача кўрсатувларни ўзгартирмаслик учун гувохларнинг ҳимояси билан сухбатлашишига таъкиқ қўйишга ҳам ҳақлидир.⁷⁵

Атторнейнинг энг муҳим вазифаси бу судла айловни куллаб-куватлаш ҳисобланади. Бунинг учун у аниқланган жиноятлар юзасидан жиноий таъкибни юритиб, тергов ишларини мустақил олиб боради. Жумладан, барча даражадаги атториейлар жиноий таъкибни қўзғатишга ва айбланувчини судга бериш масаласини ҳал қилишда муҳим ўринга эга.

Атторней хизмати жиноят ишлари юзасидан амалиётда деярли жиноят процессининг барча боскичларини тўғри юритилишини назорат қиласи.

В.М.Николайчик таъкидлаганидек "АКШ давлат айловчиси бўлган атторней хизмати жуда катта ваколат ва обрўга эга ҳисобланади, жумладан, жиноятчига нисбатан жиноий таъкибни амалга ошириш унинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади"⁷⁶. Шунинг учун хам у ўзининг хоҳишига кўра жиноий таъкибни амалга ошириши ва керак бўлса судда давлат айловини чегаралangan холда қўллаб-қувватлаши мумкин. Бунга асос

⁷⁴ Neubauer David W.. Fradella Henry F. America's Courts and Criminal Justice System – 11th ed- Belmont 2011.- P.167

⁷⁵ Хашем Т. Спительный анализ уголовного процесса России, Англии, Франции, США и Германии. - М. 2007г.- С18.

⁷⁶ Николай В. Н. Уголовный процесс США. М., 2001.- С 17.

сифатида эса полиция томонидан йифилган далилларни етарли эмас деб топиши ёки полиция томонидан олиб борилган жиноят ишини мустакил тарзда тергов килиши хам мумкин. Шу билан бирга, полиция томонидан юритилган жиноят ишини хам мустақил тугатиши мумкин.

Узок йиллар давомида АҚШда давлат айловчилари томонидан асослантирилмаган ҳолда ҳам жиноят ишлари юзасидан айлов тугатилиб келингандыкта буни суд хеч қачон назорат қилмаган. Ҳозирги кунда ҳам жиноят процессининг барча боскичларида жиноят ишларини тугатиш жиноий таъқибни тұхтатиши атторнейнинг мутлоқ ваколати ҳисобланади. Бирок федерал қоидаларга күра жиноят процесси баённомаси атторней томонидан фақат суднинг рухсати белгилаб қўйилган. Ушбу коида кучга кириши муносабати билан атторнейнинг айловдан воз кечиш мутлоқ ҳукуқи нисбатан чегараланди.⁷⁷

Испания. Испания Қироллигининг 1978 йил 27 декабрда қабул қилингандыкта Конституциясининг 124-моддасигина испан прокуратурасига бағишлилар бўлиб, унинг фаолиятини тартибга солувчи асосий хужжат бу 1981-йил 20-декабрда қабул қилингандыкта № 50/1981 Конундир (“Прокуратуранинг ташкилий Низоми”).

Жумладан, Испания Конституциясининг 124-моддаси биринчи қисмига кўра, прокуратура фаолият юритар экан унинг асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш, суднинг мустақиллиги ва жамият манфаатларига даҳл қилмаган ҳолда манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш саналади.

Испания Бош прокуратуроси ўз вазифаларини марказлашганлик ва иерархик бўйсениш тамойили асосида ўзининг қуий турувчи ташкилотлари орқали фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади.

Бош Давлат прокурори қирол томинидан ҳукумат кўрсатга номзодни

⁷⁷ В.П. Божьев. Уголовный процесс. Учебник – М: Спарт, 2002.С. 629

Судялар Бош Кенгаши билан маслаҳатлашган ҳолда тайинланади⁷⁸.

Австрия. 1849 йилда қабул қилинган Австрия-Венгрия монархиясининг вақтингчалик Жиноят-протцессуал кодекси натижасида 1850 йилда Австрия прокуратураси ташкил этилди. Австрия Жиноят-процессуал кодекси 1808 йилдаги Наполеон кодексига (Коде дъинструктион криминелле 1808) асосланган бўлиб, прокурор суддан мустақил бўлсада, лекин унинг айлов хulosаси судя томонидан тасдиқланиши керак эди. Суд шунингдек, прокурорнинг айлов хulosасида қайд этилмаган жиноятлар бўйича дастлабки тергов ўтказишга рухсат бериши мумкин, лекин айланувчининг ҳаракатларини кўрсатилганидан оғирроқ деб қайта таснифлаш учун прокурорнинг розилиги талаб этилади.

1853 йилда янги таҳрирдаги ЖПК қабул қилинди ва прокуратура тизимиға тааллуқли ҳам бўлган бир қатор ўзгаришлар киритилди.

1873 йилда эса Австрия-Венгриядаги янги, янада либерал жиноят-процессуал кодекси ишлаб чиқилди. Ушбу Кодекс билан прокуратуранинг функцияси ўзгармай қолди⁷⁹.

2004 йил феврал ойида Австрия парламенти "Жиноят суд иш юритуви ислоҳотлари тўғрисида" ги қонунни қабул қилди . Унга кўра, Жиноят-процессуал кодексида судгача бўлган иш юритишнинг янги модели белгиланди. Прокурорнинг ваколати кенгайтирилди. Полициянинг ваколатлари ҳам ўзгарди. Ҳимоя томонининг позицияси яхшиланди. Ушбу ўзгаришлар 2008 йил январ ойида кучга кирди.

Хозирги кунда, Австрия прокурорининг вазифаси жиноят ишини кўриш давомида жазо тайинлаш билан боғлиқ масалаларда давлат манфаатини ҳимоя қилиш. Австриядаги прокуратура органлари назорат функциясини амалга оширмайди. Австрия ЖПКнинг 1-моддаси 2 §га

⁷⁸ <https://www.boe.es/legislacion/documentos/ConstitucionINGLES>

⁷⁹ Бирюков Павел Николаевич — доктор юридических наук, профессор, заведующий кафедрой международного и европейского права Воронежского государственного университета (Воронеж). Рабочий телефон: (4732) 20-75-21.

мувофиқ жиноят ишларининг судда кўрилиши фақат айловчи (прокурор) аризасига кўра бошланади.

Прокурор жиноят ишини қўзғатиш, айлов эълон қилиш, ишни тугатиш масалаларини ҳал қилиш ваколатига эга. У хатто жиноят ишининг суд мухокамаси босқичидан ҳам айловни чақириб олиши мумкин. Фақат прокурор жиноят ишини қўзғатиш ёки тугатишни ҳал қиласди. Суд жиноят ишини қўзғатиш ва кўриш ваколатига қачонки, прокурорнинг эътирози бўлмасагина ҳақли. Бундай ҳолларда фақат суд айлов эълон қилишнинг қонунийлигини текширади.

Дастлабки тергов босқичида айловни тайёрлаш принципи кетма-кетлик билан амалга оширилади, лекин бундай кетма-кетлик Германиядагидан фарқ қиласди, чунки Германияда тергов ҳаракатлари тергов судьяси томонидан суд жараёнида олиб борилади. Бироқ тергов судьяси очик суд жараёнида қарор чиқарувчи судья сифатида қатнашмайди.

Жиноят процессида прокурор процесс тарафларидан бири ҳисобланади ва объективликка риоя қилиши лозим. У айбдор жазоланиши ва айбсиз оқланиши мақсадида айбланувчини ҳам оқлайдиган ҳам айблайдиган ҳолатларни аниқлаши ва текшириши шарт. Прокурор ўз меҳнати учун давлат бюджетидан тўланадиган ҳақ унинг объектив бўлишига тўсқинлик қилмайди, чунки маош миқдори қонун билан тайинланади. Объективлик тамойили прокурорга нафақат айловчи бўлишга, балки қонунийликни таъминланишининг кафили бўлишга ёрдам беради. Бу процесснинг ҳар қандай босқичига, шу билан бирга суд қарорига протест келтириш босқичига ҳам тегишли. Объективлик тўғрисида гапирганда Австриянинг Олий Судида Бош прокуратуранинг мавжуд бўлишига эътибор бериш лозим. Бош прокуратура айлов органи ҳисобланмай, фақат Олий судда суд қарорига протест келтириш воситаларига нисбатан ўз фикрини билдиради. Бош прокуроратура прокуратура органлари тизимиға кирмайди. Бош прокурор назорат олиб боришга, прокурорга кўрсатмалар беришга ҳақли эмас. У прокурор фаолияти учун ҳеч қандай жавобгар эмас. Бош прокурор вазифаси -

умумий ҳолда жиноят қонунчилигининг бузилишининг олдини олиш, хусусан эса - айбланувчи манфаатлари бузилишига йўл қўймасликдир. Бу вазифасини бажариш учун Бош прокурор ўз ташаббуси билан ёки суднинг қонуний кучга кирган қарорига таянган ҳолда Олий Судга суд қарорини ҳақиқий эмас деб топиш хақида даъво киритади. Федерал Олий Суд ушбу шикоятни ўз иш юритувига олар экан, хукм чиқариш йўли орқали қонун бузилиши маҳкум учун салбий оқибатлар келтирган бўлса, олдинги ҳукмини бекор қиласди.

Прокурорнинг объектив бўлиш талаби прокуратура ходимлари шаъни тўғрисидаги Кодексда, Прокуратура тўғрисидаги Қонунда мустаҳкамланган ва уларга биноан прокурор ўз вазифаларини тез, вижданан, беғараз ва ҳолисона бажариши лозим. Прокурор фаолияти устидан назоратни нафақат адлия вазири орқали парламент, балки инситутлаштирилган халқ адвокати (омбудсман) ҳам амалга оширади.

Хитой. Хитойда прокуратура халқ прокуратураси деб номланади. Хитойда прокуратуранинг конституциявий мақоми Конституциясининг 134 – 140-моддалари билан белгиланади. Жумладан, 134-моддада “Хитой Халқ Республикаси халқ прокуратуралари давлатнинг ҳуқуқий назорат органлари ҳисобланади” деб белгиланган.

Хитой Халқ Республикасида прокуратуранинг тизими қўйидагича: Олий халқ прокуратураси, барча даражадаги маҳаллий халқ прокуратураси, ҳарбий прокуратуралар ва бошқа маҳсус халқ прокуратуралари.

Олий халқ прокуратурасининг бош прокурори Бутунхитой халқ вакиллари конгресси билан бир хил ваколат муддатига эга бўлиб, кетма-кет икки муддатдан кўп бўлмаган муддатга тайинланмайди.

Халқ прокуратураларини ташкил этиш Конституциядан ташқари бошқа қонун, жумладан, 2018 йил қабул қилинган “XXР халқ прокуратурасининг органик қонуни” ва Жиноят-процессуал кодекси билан ҳам белгиланади.

XXР прокуратурасининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат: давлат сиёсати, қонунлари, фармойишлари, ма’мурий қарорлари бир хилда

амалга оширилишига жиддий то‘сқинлик қилаётган давлатга хиёнат, сепаратизм ва йирик жиноятлар бо‘йича жиноий жавобгарликка тортиш ваколатларини амалга оширади; Ҳибсга олиш, жиноий жавобгарликка тортиш зарурлигини қанчалик асосли эканлигини аниқлаш учун жамоат хавфсизлиги ва давлат хавфсизлиги органлари томонидан тергов қилинган ишларни кўриб чиқиш; тергов устидан назоратни амалга ошириш; жиноят ишлар судларда кўрилганда давлат айловини қўллаб-куватлаш; суд муҳокамаларида қонуийликни назорат қилиш; Жиноят ишлари бўйича ажрим ва ҳукмлар, қамоқхоналар, тергов ҳибсхоналари ва ахлоқ тузатиш муассасалари фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш.

Умуман олганда, ХХРда прокуратура жуда катта мавқега эга ва қонун билан кенг миқёсдаги функция ва ваколатлар берилган.

Россия. Россия Федерацияси қонунчилигига белгиланган давлат айловчисининг фаолияти миллий қонунчилигимизда белгиланган қоидаларга анча ўхшаш ҳисобланади.

Ўз навбатида Н.Литвинциева ва Е.Иванованинг фикрича, Россиянинг Жиноят-процессуал қонунчилиги Франция жиноят-процессуал қонунчилиги билан ўхшаш жиҳатларга эга. Сабаби ушбу соҳадаги аксарият институтлар Франциядан олинган бўлиб, ўз навбатида ҳар икки давлатда хам жиноят процесси тортишув принципига асосланган⁸⁰.

Жиноят ишлари бўйича судларда давлат айловини қўллаб-куватлаш прокуратуранинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур фаолият бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан бирга Россия Федерацияси Бош прокурорининг 2012 йил 25 декабрдаги 465-сон "Жиноят ишларини юритишнинг суд босқичида прокурорларнинг иштироки ҳакидаги буйруғи асосида амалга оширилади"⁸¹.

⁸⁰ Иванова Е.А. Функция государственного обвинителя: сравнительно-правовой анализ//Nauka-rastudent.ru.-2017. – № 04(040) /[Электронный ресурс]- Режим доступа. – URL: <http://Nauka-rastudent.ru./38/3986>.

⁸¹ Приказ Генпрокуратуры РФ № 465 от 15.12.2012 г. «О функциях прокурора и судебных стадиях уголовного судопроизводства» // СПС Консультант Плюс. Пополнения для федеральных без c13.05.2013 по 17.05.2013

3.2-§. Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштироки тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари

Ҳар бир жиноят ишининг кўрилишида иштирок этувчи субъект – прокурорнинг суд процессидаги ўрни бекиёс саналади. Шу сабабдан, айниқса, шиддатли ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги даврда жиноий ишларни кўрилишида судларда иштирок этувчи прокурорнинг фаолиятига тегишли бўлган қонун ҳужжатларини замон талабига мос равишда ва илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириб боришга бугунги кунда эҳтиёж мавжуд.

Қўйида биз томонимиздан амалдаги вонунчиликка илгари сурилаётган таклифларни келтирамиз.

Биринчидан, “Прокуратура тўғрисида”ти Қонуннинг 56-моддасида ушбу қонуннинг турли моддаларда ишлатилган “прокурор” атамаси замирида айнан қайси прокурорлар тушунилиши лозимлиги ҳақида айтиб ўтилган. Лекин, бизнинг назаримизда, Қонунда қайд этилган атамаларнинг ушбу талқини жиноят судларида қатнашиши мумкин бўлган прокурорлар таркибини қамраб олмайди. Масалан, Қонуннинг 56-моддаси учинчи қисмига кўра, 33-моддадаги “прокурор” деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорларини тушуниш керак. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 126-сонли “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ти буйргуининг

5.1 бандига кўра, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар томонидан судга юборилган жиноят ишлари ва материалларнинг туман (шаҳар) судларида кўрилишида прокурор иштироки транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар ходимлари томонидан таъминланиши ёи 5.3 бандига кўра, ҳарбий прокуратуралар томонидан судга юборилган жиноят ишлари ва материалларнинг судларда кўрилишида прокурор ваколатлари қоида тариқасида, ушбу прокуратуралар ходимлари томонидан таъминланиши белгиланган.

Шу боисдан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 56-моддаси учинчи қисмини “...бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорлари” жумласидан кейин “*тегишили ҳарбий, маҳсус ва транспорт прокуратураси прокурорлари, ўринбосарлари, катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, шунингдек, прокуратура иши ўрганувчилари*” сўзларини киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, амалдаги ЖПКдаги прокурорга берилган таъриф унинг жиноят судларидаги иштироки ва процессдаги асосий функцияларини тўлиқ ифодаламайди. Шу сабабдан, амалдаги ЖПКнинг 33-моддасига моддасига куйидагича таъриф беришимиз мақсадга мувофиқ бўлади: прокурор – ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларининг қонунларга амал қилиши устидан назоратни амалга оширадиган, дастабки терговни амалга оширишда ваколатли бўлган, айлов хулосаси ва далолатномасини тасдиқлаб, судда давлат айловини қўллаб-куватловчи ёки айловдан воз кечиш орқали қонунийликни таъминловчи, амалдаги Кодексда белгиланган ваколатларга эга бўлган мансабдор шахсдир.

Учинчидан, прокурорга давлат айловчиси деган ном билан қараш уни фақатгина одамлар қўз ўнгига “қораловчи” бўлиб қолишига олиб келмоқда. Бизнинг фикримизча, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг муайян нормаларида, хусусан, 51-модда, 80-модда, 397-модда, 405⁶-модда, 40511-модда, 429-модда, 431-модда, 439-модда, 442-модда, 449-модда 450-моддада

қўлланилган “давлат айбловчиси” тушунчасини прокурорга ўзгартириш лозим.

Тўртинчидан, ЖПКда жиноят ишларини биринчи инстанция сифатида кўрилишида айнан қайси прокурорнинг иштирок этиши масаласи очик қолган. Амалдаги қонун нормаларини шарҳлайдиган бўлсак, табиийки, жиноят иши кўрилаётган туман (шаҳар) прокуратурасининг прокурори ёки у томонидан ваколат берилган прокурор ёрдамчилари қатнашишлари мумкин деган хulosага келамиз, лекин бир нарсани ҳам унутмаслигимиз лозим: ЖПК 389-моддасига кўра айрим турдаги жиноят ишлари Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят ва Тошкент шаҳар судининг судловига тегишли бўлган ишлар кўрилиши мумкин ёки мураккаблиги ва аҳамиятлилигига қараб баъзи бир ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судида ҳам кўриб чиқилади. Шу каби вазиятлар юзага келганда жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаётган судья ёрдамчиси аниқ ҳуқуқий норма мавжуд бўлмаганлиги сабабли суд мажлисига қайси прокурорни жалб этиши лозимлиги юзасидан қонуний тўхтамга келолмайди.

Бироқ, шунга ўхшаш айрим масалалар Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи билан тартибга солинганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Унга кўра, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан бошқа худудда ишларнинг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш қоида тариқасида, иш кўрилаётган туман (шаҳар) прокурори томонидан амалга оширилиши лозимлиги; транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар томонидан судга юборилган жиноят ишлари ва материалларнинг туман (шаҳар) судларида кўрилишида прокурор иштироки транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар ходимлари томонидан таъминланиши; алоҳида ҳолларда, ушбу ишларнинг кўрилишида худуд прокуратуралари ходимларининг иштирок этишига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг соҳавий ўринбосарлари

розилиги билан йўл қўйилиши кераклиги белгиланган⁸².

Бироқ, ушбу буйруқда ҳам иш биринчи инстанция сифатида кўриб чиқилаётганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судида қайси прокурор иштирок этиши лозимлиги аниқ қайд этилмаган.

Фарқли равишда, ЖПКнинг 497¹⁶-моддасида апелляция инстанцияси суд мажлисида, 509⁶-моддада эса кассация инстанцияси суд мажлисида иштирок этиш ваколатига эга бўлган прокурорлар аниқ белгилиб қўйилган.

Амалиётда биринчи инстанция судларида туман (шаҳар) прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари, прокурор ёрдамчилари, прокурорнинг топшириғига кўра ишда “прокурор” сифатида қатнашадиган прокуратуранинг терговчилари, юқори турувчи прокурорлар ва юқори турувчи прокурорнинг топшириғига кўра ишда “прокурор” сифатида қатнашадиган прокуратуранинг бошқа барча ходимлари қатнашади⁸³.

Ушбу масалага Д.Довудова ҳам ўз эътиборини қаратган ҳолатда амалдаги ЖПКни 408¹-модда билан, яъни судда ишлар биринчи инстанция тартибида кўрилишида қайси прокурорларнинг иштирок этиши бўйича аниқ қоида билан тўлдириш таклифини беради.

Бизнинг фикримизча ҳам амалдаги ЖПКга ишини биринчи инстанция сифатида кўриб чиқаётган суднинг хусусиятидан келиб чиқиб қайси прокурор иштирок этиши лозимлиги бўйича маҳсус нормаларни киритши лозим.

Бешинчидан, ҳар битта инстанцияда прокурорнинг ҳам иштирок этиши шартлигини инобатга олган ҳолатда айнан бир прокурор томонидан битта жиноят ишини такроран кўрилишида иштироки масаласи очиқ қолган. Яъни, амалиётда жиноят ишини биринчи инстанция судида кўрилишида иштирок этган прокурор лавозимининг кўтарилиши натижасида айнан ушбу жиноят

⁸² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 27.11.2015 й. 126-сонли буйруғи.

⁸³ О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография./-Т.: ТДЮИ. 2005. -29 Б.

иши бўйича юқори инстанция судларида қатнашиши мумкин ва буни чекловчи норма мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, бир жиноят ишининг кўрилишида иштирок этган прокурор шу жиноят иши бўйича ўзининг якуний фикрини айтиб бўлган бўлади ва суднинг хукмидан норози бўлган тарафнинг берган шикояти бўйича юқори инстанцияда ишлар кўрилишида айнан ўша прокурорнинг иштирок этиши ишни тўғри ҳал этилиши, қолаверса, холислик нуқтайи-назаридан ҳам тўғри келмайди.

Шу сабабдан, ЖПК 76-моддасига: бир инстанция судида иштирок этган прокурор юқори инстанция судларида ишни тақроран кўрилишида иштирок этмаслиги лозимлиги мазмунидаги ҳуқуқий норма киритилиши лозим.

Олтинчидан, Амалиётда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилмаган бўлсада, Бош прокурор буйруғида қайд этилганлиги учун ҳам айбловни прокурорлар гурухи томонидан қувватлаш ҳақидаги қоида қўлланилиб келинмоқда. Фикримизча, ушбу институтни амалдаги ЖПКга киритишимиш ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришимиз лозим. Чунки, айбловни прокурорлар гурухи томонидан қўллаб-қувватланиши бир қанча асосларга кўра, жиноят ишининг мураккаблиги, катта ижтимоий резонанс бериши мумкинлиги, оммавий-ахборот воситаларининг диққат-эътиборида турганлиги, кадрларни таёrlаш (менторлик) фаолияти мақсад қилиб кўзланган бўлиши мумкин.

Судда жиноят ишини қўриш учун тузилган прокурорлар гурухига, албатта шу гуруҳ етакчисини тайинлаш ҳам керак бўлади.

Умуман олганда, ушбу институтни такомиллаштиришга бугунги кунда эҳтиёж мавжуд. Унинг назарий ва ҳуқуқий асосларининг белгилаб берилиши эса унинг самарали фаолият юритишини белгилаб беради.

Еттингчидан, Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан яна бир марта сўзга чиқишилари мумкин ва сўнгги эътиroz билдириш ҳамиша

химоячи ва судланувчига берилади.

Ушбу хуқуқий нормадан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, агар химоячи музокара нутқига тайёрлигини билдиrsaю, кейинги бир марта эътиroz билдириш хуқуқидан прокурорнинг музокара нутқидан сўнг фойдаланса ва прокурор ҳам ўз навбатида яна эътиroz билан мурожаат қилса, ЖПКда қайд этилган сўнгги эътиroz билдириш хуқуқи бузилади. Яъни, ЖПК талаби бўйича сўнгги эътиroz прокурорга берилмаган ҳолда прокурор сўнгги эътиroz ва мулоҳазани билдирган бўлади.

Бизнинг фикримизча, ЖПК 449-моддасида қайд этилган бир мартадан эътиroz ва мулоҳазани билдириш хуқуқи бу ЖПК 25-моддасида қайд этилган судда ишларни тортишувчанлик тамоилии асосида амалга оширилишига тўсиқ бўлувчи омиллардан биридир. Чунки, агар тарафлар ўртасида тортишувчанлик принципини тўла намоён қилмоқчи бўлсак, тарафларга бир мартадан иборат бўлган мулоҳаза ва эътиrozларни билдириш хуқуқини чеклаб қўймаслигимиз зарурдир. Масалан, Россия Жиноят-процессуал кодексининг 337-моддасида тарафларнинг мулоҳаза ва эътиroz билдириш хуқуқи келтирилган бўлиб, бир марта деб чеклаб қўйилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Шу сабабдан ҳам амалдаги ЖПК 449-моддасидаги “Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан яна бир марта сўзга чиқишлари мумкин” деган қоидадаги яна бир марта деган сўзни чиқариб ташлаш таклифини берамиз.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида “...прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт” деган ҳақиқатни аниқлаш принципи мавжуд. Лекин ЖПКнинг 409-моддасида қайд этилган прокурорнинг айловдан воз кечганлиги суд томонидан ишни реабилитация асосларига кўра тугатилишига асос бўлиши судга юклатилган мажбурият саналиб юқоридаги

принципга ҳам зид хисобланади. Шу сабабдан, “реабилитация қилиш” хуқуқий нормани императив эмас, диспозитив кўринишга келтиришимиз лозим.

Бундан ташқари, прокурор айловдан воз кечсада процесснинг бошқа қатнашчилари, масалан жабрланувчи ёки судланувчининг ўзи суддан айловни давом эттиришни сўраши мумкин.

Бундай вазиятларда хусусий айлов билан процессни давом эттирилиши мумкинлигига доир хуқуқий нормаларни киритишимиз лозим бўлади.

Хулоса

Жадал ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги даврда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бу хусусда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли Қарори ва унга илова қилинган Концепцияси қонунчилигимизда янги ислоҳотлар тўлқинини бошлаб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Суд-хукуқ ислоҳотлари амалга оширилар экан, ушбу ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ бўлган орган – прокуратура органларининг фаолият юритиши, такомиллаштирилиши, ваколатлари кенгайтирилиши ва ундаги айрим ваколатларни қайтадан кўриб чиқилишига эҳтиёж туғилаверади. Чунки прокуратура органлари фаолияти фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқдир.

Мазкур диссертациянинг тадқиқоти давомида жиноят ишларини судларда кўрилишида прокуратуранинг янада самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, шунингдек давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокуратура органларининг фаолиятига тўсиқ бўлиб хизмат қилаётган муаммолар ва хукукий бўшлиқлар атрофлича ўрганишга ҳаракат қилинди.

Бу борада хорижий давлатлардаги амалиётга ҳам алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, узоқ йиллар давомида уларда шаклланган қонунчилик тизими ва унда белгиланган давлат айловчиси ҳукукий мақомидан келиб чиқиб, улар фаолиятининг бир қатор жихатлари қиёсий – ҳукукий таҳлил қилинди.

Тадқиқот иши давомида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини таъминлашнинг назарий-ҳукукий асосларини тадқиқ этилди; жиноий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг тушунчаси ва

моҳияти таҳлил қилинди; жиноий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари ўрганиб чиқилди; прокурорнинг суд музокараларидаги иштирокини ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилди; суд муҳокамасида прокурорнинг процессуал мақомини белгиланди; айрим хорижий давлатларда жиноят процессида прокурорнинг иштироки амалиёти таҳлил қилинди; қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш амалиётини яхшилаш ҳамда биринчи инстанция судларида прокурорнинг процессуал фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мазкур тадқикот иши якунлари бўйича жиноий ишларни судларда кўрилишида прокурор фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган куйидаги бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Жиноят ишларини судларда кўрилишида иштирок этувчи прокурор атамаси замирида тегишли ҳарбий, маҳсус ва транспорт прокуратураси прокурорлари, ўринбосарлари, катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, шунингдек, прокуратура иш ўрганувчиларининг ҳам тушинилиши лозим, шунингдек қонунчиликка ҳам ушбу қоидани аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Бундан ташқари, “прокурор” ва “прокуратура органи ходими” атамаларини бир-биридан фарқлай билиш лозим.

2. Амалдаги ЖПКга прокурор тушунчасига таъриф барилиши лозимлиги ва ушбу таъриф унинг жиноят судларидаги иштироки ва процессадаги асосий функцияларини тўлиқ ифодалashi лозим.

3. Прокурорнинг жиноят судларидаги дастлабки ҳуқуқий мақоми давлат айловчиси эканлиги билан белгилансада, унинг процессадаги вазифалари ва функциясидан келиб чиқиб ЖПКда бир қатор ўринларда келган давлат айловчиси тушинчasi мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли ушбу тушунчани тўлиқ чиқариб ташлаш керак.

4. ЖПКда жиноят ишларини биринчи инстанция сифатида кўрилишида

айнан қайси прокурорнинг иштирок этиши масаласи очик қолганлиги туфайли амалдаги ЖПКга ишни биринчи инстанция сифатида кўриб чиқаётган суднинг хусусиятидан келиб чиқиб қайси прокурор иштирок этиши лозимлиги бўйича маҳсус нормаларни киритиш лозим.

5. Прокурорнинг рад этилишига доир ҳуқуқий нормалар такомиллаштирилиши лозим. Яъни, бир инстанция судида иштирок этган прокурор юқори инстанция судларида ишни тақороран кўрилишида иштирок этмаслиги лозимлиги мазмунидаги ҳуқуқий норма киритилиши лозим. Чунки, бир жиноят ишининг кўрилишида иштирок этган прокурор шу жиноят иши бўйича ўзининг якуний фикрини айтиб бўлган бўлади ва суднинг ҳукмидан норози бўлган тарафнинг берган шикояти бўйича юқори инстанцияда ишлар кўрилишида айнан ўша прокурорнинг иштирок этиши ишни тўғри ҳал этилиши, қолаверса, холислик нуқтайи-назаридан ҳам тўғри келмайди.

6. Амалиётда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилмаган бўлсада, Бош прокурор буйруғида қайд этилганлиги учун ҳам айловни прокурорлар гурухи томонидан қувватлаш ҳақидаги қоида қўлланилиб келинмоқда. Фикримизча, ушбу институтни амалдаги ЖПКга киритишимиш ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришимиз лозим. Чунки, айловни прокурорлар гурухи томонидан қўллаб-қувватланиши бир қанча асосларга кўра, жиноят ишининг мураккаблиги, катта ижтимоий резонанс бериши мумкинлиги, оммавий-ахборот воситаларининг диққат-эътиборида турганлиги, кадрларни таёrlаш (менторлик) фаолияти мақсад қилиб кўзланган бўлиши мумкин.

7. Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан яна бир марта сўзга чиқишлири мумкинлигига доир қоидани ЖПКдан чиқариб ташлаб, тарафлар ўргасида тортишувчанлик принципини тўла намоён қилиш мақсадида, тарафларнинг бир мартадан ортиқ мулоҳаза ва эътиrozлар билдириш ҳуқуқини таъминлаш лозим.

8. Давлат айловидан воз кечиш механизмларни такомиллашишимиз лозим. Жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигимизга айловдан тўла ёки қисман воз кечиш тушунчаларини киритишимиз лозим;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида “...прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт” деган ҳақиқатни аниқлаш принципи мавжуд. Лекин ЖПКнинг 409-моддасида қайд этилган прокурорнинг айловдан воз кечганлиги суд томонидан ишни реабилитация асосларига кўра тугатилишига асос бўлиши судга юклатилган мажбурият саналиб юқоридаги принципга ҳам зид саналади. Шу сабабдан, “реабилитация қилиш” хуқуқий нормани императив эмас, диспозитив кўринишга келтиришимиз лозим;

Бундан ташқари, Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида давлат айловчисининг позицияси айлов хulosасида ёки айлов далолатномасида ифодаланган позициядан фарқ қилган тақдирда, давлат айловчиси бу ҳақда унга давлат айловини қўллаб-қувватлашни топширган прокурорни зудлик билан хабардор қилиши лозимлиги ҳақидаги раҳбарий қоидани киритишимиз лозим.

Қайд этилган таклифлар амалиётга татбиқ этилиши оқибатида Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада оширишга эришилади. Бундан ташқари, ушбу таклифлар прокурор судланувчининг айбизлиги хакида хulosага келганда айловдан воз кечиш механизмининг янада такомиллашишига ва бу ўз навбатида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишига хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳукукий ҳужжатлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т., Ўзбекистон, 2022
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрирда) // 27 октябрь 2001.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. - Т.: "Адолат" 2021.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси - Т.: "Адолат" 2021
- 1.5. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури.
- 1.6. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури.
- 1.7. “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармони.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли Қарори.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 31 августдаги 127-I-сон “1966 йил 16 декабрдаги фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳакида”ги Қарори.
- 1.10. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги

ПФ-4850-сон "Суд-хукук тизимини янада ислоҳ килиш фуқароларнин хукук эркинликларини ишончли химоя килиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари түгрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари туплами, 2016 й. 43-сон, 497-модда.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 30.05.2017 йилдаги ПҚ-3016-сонли Қарори.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 23.05.2018 йилдаги ПФ-5446-сонли Фармони.

II. Илмий адабиётлар, мақола ва тезислар

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шархлар. Масъул муҳарир проф. Ф.Абдумажидов - Тошкент: ТДЮИ, 2009.
- 2.2. Жиноят процесси (умумий қисм). Дарслик (Иногом З.Ф. умумий таҳрири остида). - Тошкент: ТДЮИ, 2008.
- 2.3. Пулатов Б.Х. Прокурор назорат: дарслик. /- Т.: - “Ўзбекистон, 2009.
- 2.4. О.М. Мадалиев. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 50-бет.
- 2.5. Жиноят процесси: Ўкув кулланма / Д.М. Миразов, И.Э. Хожаназаров, Ш.Н. Бердияров. - Т.: Ўзбекистон Республика ИИВ Академияси, 2013. - Б. 110-112.
- 2.6. Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишида прокурор ваколатини такомиллаштириш масалалари / Монография. –Тошкент.: “ЛЕССОН ПРЕСС”, 2020. 12-б.
- 2.7. Юридической литературе высказывалось суждение, что рассматриваемый нами термин «этимологически и исторически выражает собою представительство одним деловых интересов другого» (см.: Муравьев Н.В. Прокурорский надзор в его устройстве и деятельности: Пособие для

- прокурорской службы. Т. 1. Прокуратура на Западе и в России. М.: Университетская типография, 1889. С. 24).
- 2.8. Колпашникова В. М. Теоретические и практические вопросы участия государственного обвинителя в суде первой инстанции. Дисс...рид. наук. - Челябинск, 2006.-С.183.
- 2.9. Мизулина Е.Б. Уголовный процесс: концепция самоограничения государства. Автореф. дис. докт. юрид. наук. М., 2013.- С.32.
- 2.10. Пономаренко В.А. Проблемы представления и использования доказательств в уголовном процессе. Автореф. дис. канд. юрид. наук. Саратов: Саратовский юрид. - МВД РФ, 1998.-С.20
- 2.11. Тушев А.А. Прокурор в уголовном процессе Российской Федерации: система функций и полномочий. Дисс. докт. юрид. наук. Краснодар, 2006. - С.384.
- 2.12. Черкасова Н.Ю. Исследование доказательств и суде первой инстанции. Автореф. дис. канд. юридическ, наук Самара. - 2013. - С. 22.
- 2.13. Щемеров С.А. Участие прокурора стадии судебного разбирательства уголовного процесса лис. канд. юрид. наук. - Нижний Новгород, 2007.- С. 297.
- 2.14. Савицкий В. М. Государственное обвинение в суде. М., 1971. С. 35.
- 2.15. Ламарева В.А. Доказывание в уголовном процессе: учеб.-практ. пособие. 2-е, перераб. и доп. М. Юрайт, 2012. с 50, 75-76.
- 2.16. Миронов В. Д. Полномочия прокурора и их реализация при производстве по уголовным делам в суде первой инстанции: автореф. дис. канд. юридическ, наук. Воронеж. 2008, с. 7.
- 2.17. Лазарева М.Н. Прокуратура Чехии: Реформы и особенности статус. №5(37), 2014.
- 2.18. Миронов В.Д. Полномочия прокурора и их при производстве по уголовным делам и суде первой инстанции: автореф. дис. канд. юрид. наук. Воронеж. 2008. 23 е;
- 2.19. Карякин Е.А. Проблемы процессуального доказывания в российском

уголовном судопроизводстве на основе принципа состязательности. Автореф.

Дис. Канд. юрид. Оренбург Южно-Уральский гос. ун-тет. 2012.-21 с;

2.20. Поторыкина Е.Ю. “Уголовно-процессуальный статус прокурора в судопроизводстве Европейских государств” социально-экономические явления и процессы, Т. 10, № 12, 2015 – С 132.

2.21. Об участии прокуроров в судебных стадиях уголовного судопроизводства приказ Генерального прокурора РФ от 25 декабря 2012 г. № 465. Доступ из справ правовой системы “КонсультантПлюс”

2.22. Яшина О.Е. Внутреннее убеждение как основание свободы оценки доказательств в российском уголовном процессе: монография Челябинск, 2006. С 20

2.23. Кузнецов н.п. Доказание и его особенности на стадиях уголовного процесса России. д-ра юрид. наук. Воронеж, 1998. С 368

2.24. Аубакирова А.А. Следственные и экспертные ошибки при формировании шутренного убеждения дис. ... д-ра юрид. наук, Челябинск. 2010. С.78

2.25. Памятка государственному обвинителю / Ж.К. Кенярова Н.Ю. Решетова Акад. Ген прокуратуры Рос. Федерации. – М.2010.С.10

2.26. Кокорев Л.Л. Котов Д.П. Этика уголовного процесс Воронеж 1993. С.С.

2.27. Басков В.И. Курс прокурорского на хора. Учебник для о. - М.Фации. - М., 2010, с. 10. 2009-С-237

2.28. Андrenov B.A. Общение и российском уголовном простие, сущность, значение теоретические проблем д юрид. наук. Екатеринбург, 2009. С 56

2.29. Кокорев Л.Д., Котов ДП Этика уголовного процесса. Воронеж 1993.С.С.

2.30. В.П. Божьем Уголовный процесс. Учебник.-М.: Спарк, 2002. с. 660 А. В. Сулы и судебный процесс Великобритании. М. 3:31. 1996. С. 22.

2.32. Никола чик В. Н. Уголовный пресс США. М, 2001.-С 16-19. 3.33. Чельцов-Бебутов М.А. Курс уголовно-процессуального р Очерки по истории суда и уголовного процесса в робовладельческих Феодальных и буржуазных государствах. - СПб. 1995. С. 327-528.

2.34. Гуценко К.Ф. Головко А.В. Филимоном Б.А. уголовный процесс

- западных государств, М., 2002. С. 134
- 2.35. Neuhauer David W., Fradella Henry F. America's Courts and Criminal Justice System.-11th ed. - Belmont, 2011.-P. 167.
- 2.36. Хашем Т. Сравнительный анализ уголовного процесса России Англии, Франции, США Германии. - М. 2007 г. -С 18
- 2.37. Крюков В.Ф. Правовой статус прокурора уголовном преследовании (досудебное и судебное производство авто-реф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2012. С.18-19.
- 2.38. Уголовный процессуальный кодекс Украины. <http://continent-online.com>
- 2.39. Борисенко И.В. Актуальные проблемы участия прокуроров в рассмотрении уголовных дел судами// Серия “Экономика, право и управление”4/2016. с.173.
- 2.40. Галимов Э.Р. Процессуальное положение государственного обвинителя в суде первой инстанции по уголовным делам. Автореф. на соис. уч. степ. канд. юр. наук Челябинск, 2008. С.17.
- 2.41.Об участии прокуроров в судебных стадиях уголовного судопроизводства: приказ Генерального прокурора РФ от 25 декабря 2012 г. № 465. Доступ из справ правовой системы «КонсультантПлюс»
- 2.42. Спирина А.В. Формирование утреннего убеждения государственного обвинителя // Научный вестник Омской юракадемии МВД России №: 3 (70), 2018. С 19.
- 2.43. Бычкова К.Г., Галимов Э.Р. Дискуссионные вопросы участия органа предварительного следствия при поддержании государственного обвинения // Вестник Удмуртского университета. 2009. № 1. С.192.
- 2.44. Ефанова В.А. Идеи Л.Д.Кокорева о нравственных началах уголовно-процессуальной деятельности прокурора и не только // Судебная власть и Уголовный процесс. 2015. № 4. С.177.
- 2.45. Воскобитова Л. А. Обвинение или обвинительный уклон? // Актуальные проблемы российского права 2014. № 3 (40). с. 457.
- 2.46. Курочкина Л. А. Прокурор в суде апелляционной инстанции: кто

- 2.47. Борисенко И.В. Актуальные проблемы участия прокурора рассмотрении уголовных дел судами // Серия «Экономика право и управление”4/2016, С.173.
- 2.48. Сильное российское государство иметь сильную прокуратуру интервью с Генеральным прокурором РФ. Я. Чайков// Прокурор. 2012. № 1.С. 3-4.
114. Алтаев Е.А. Изучение личности подсудимого государственным обвинителем // Актуальные проблемы российского права, 2007, №2. С41
- 2.49. Ишембитов А.Ф., Галимов Э.Р. Деятельность государственного обвинителя при подготовке к судебному разбирательству и суде первой инстанции // Вестник Удмуртского университета. - № 6. 2015. С.138
- 2.50. Брянская Е.В. Активное участие прокурора в суде первой инстанции // Сибирский юридический вестник № 1 (65), 2015. с.88
- 2.51. Ашитко В.П Концепции участии органа предварите следствия и стадии судебного расследования // Науч. труды. - М., 2004. Т 3, вып. 4. - С. 77. 4.18.
- Брянская Е.В. Активное участие прокурора в суде первой инстанции // Сибирский юридический вестник № 1 (68). 2015. С.88.
- 2.52. Исаенков. Anis доказательст прокурором судебных пренних// Актуальные проблемы российского права. 2018. № 9 (94). С.221
- 2.53. Назаров А.Д. Обительный уклон тельности субъектов ведущих уголовный процесс, как фактор, способствующий появлению ошибок уголовном судопроизводстве // российского права. 2015. № 9 (58). С. 152
- 2.54. Алексова А.В. Особенности речи государственного обвинителя и прениях сторон при рассмотрении дела участием присяжных заседателей //Законность. 2014. № 7. С. 10
- 2.55. Королев Г.Н. Процессуальное положение прокурора в суде апелляционной инстанции // Апелля: реалии, тенденции и перспективы: материалы всерос, межведомств. науч.-практ. конф. к 75-летию Нижегород обл. суда. Н. Новгород, 2013. С.94.
- 2.56 Капинус О.С. К вопросу о процессуальном положен прокурор в уголовном судопроизводстве // Прокурор. 2013. № 2. С.56.

- 2.57. Иванова Е.А. функция государственного обвинителя: сравнительно-правовой // Nauka-rastudent.ru. - 2017. - № 24 (040) [Электронный ресурс] - Режим доступа costudent.ru/38/3986. URL: <http://nauka>
- 2.58. О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография./-Т.: ТДЮИ. 2005. -29 Б.
- 2.59. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул: Р.А. Мухиддинова ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. Т – Адолат, 2009. 372-б.
- 2.60. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Судларда жиноят ишлари курилиш прокурор иштирокининг самарадорлигини ва таъсирчанлигини ошириш тугрисида"ги 2015йил 27 ноябрдаги 126-сонли буйруги. - Тошкент, 2015.
- 2.61. Приказ Генпрокуратуры РФ № 465 0 15.12.2012 г. «06 у прокурори и судебных стадиях уголовного судопроизводства» // СПС Консультант Плюс. Пополнения для федеральных без с13.05.2013 no 17.05.2013.

III. Интернет ресурслар

- 3.1. <http://president.uz/uz/lists/view/1470>.
- 3.2. <http://lex.uz>
- 3.3. <https://consultant.ru>
- 3.4. <https://pravo.ru/interpravo/news/view/31443>.
- 3.5. https://republic.preslib.az/ru_d4-67.html
- 3.6. <https://dissercat.com>
- 3.7. UzA. <http://uza.uz/ru/politics/>. 31.01.2018 у
- 3.8. <https://agprf.org>
- 3.9. <https://kodeksy-by.com>
- 3.10. <https://consultant.ru>
- 3.11. <https://www.linguee.ru/> прокурор.html.
- 3.12. <https://online.zakon.kz>

**“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатлариға ўзгартиш ва
кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойихасига**

Таққослама жадвал

T/p	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси			
1	Тўлдирилмоқда	<p>33-модда. Прокурор</p> <p>Биринчи қисм:</p> <p>прокурор – ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларининг қонунларга амал қилиши устидан назоратни амалга оширадиган, дастлабки терговни амалга оширишда ваколатли бўлган, айлов хулосаси ва далолатномасини тасдиқлаб, судда давлат айловини қўллаб-қувватловчи ёки айловдан воз кечиши орқали қонунийликни таъминловчи, амалдаги Кодексда белгиланган ваколатларга эга бўлган мансабдор шахсdir</p>	Кўплаб хорижий давлавлатлар, жумладан,
2	Тўлдирилмоқда	<p>408¹-модда. Биринчи инстанция судида иштирок этувчи прокурорлар.</p> <p>Судларда жиноят ишлари биринчи инстанция тартибида кўрилганда прокурор иштирок этади.</p> <p>Ишлар кўрилишида:</p> <p>Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди биринчи инстанциясида – тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурори,</p>	жиноят ишларини биринчи инстанция сифатида кўрилишида айнан қайси прокурорнинг иштирок этиши масаласи очик қолган. Амалдаги қонун нормаларини шарҳлайдиган бўлсак, табиийки, жиноят иши кўрилаётган туман (шаҳар) прокуратурасининг прокурори ёки у

	Тўлдирилмоқда	Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, туман (шаҳар) ҳамда туман прокуратураларига тенглаштирилган, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокурорлар томонидан ваколат берилган прокурорлар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанциясида - тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Транспорт прокурори ва юқори турувчи прокурорлар томонидан ваколат берилган прокурорлар.	томонидан ваколат берилган прокурор ёрдамчилари катнашишлари мумкин деган хулосага келамиз, лекин бир нарсани ҳам унутмаслигимиз лозим: ЖПК 389-моддасига кўра айrim турдаги жиноят ишлари Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят ва Тошкент шаҳар судининг судловига тегишли бўлган ишлар кўрилиши мумкин ёки мураккаблиги ва аҳамиятлилигига қараб баъзи бир ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судида ҳам кўриб чиқилади. Шу каби вазиятлар юзага келганда жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаётган судья ёрдамчиси аниқ хуқуқий норма мавжуд бўлмаганлиги сабабли суд мажлисига қайси прокурорни жалб этиши лозимлиги юзасидан қонуний тўхтамга келолмайди.
3	Тўлдирилмоқда	76-модда. Судьянинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг ва суд мажлиси	бир жиноят ишининг кўрилишида иштирок этган прокурор шу жиноят иши бўйича

		<p>котибининг ишда иштирок этишига монелик қиласидан ҳолатлар.</p> <p>Тўққизинчи қисм:</p> <p>бир инстанция судида иштирок этган прокурор юкори инстанция судларида ишни такроран кўрилишида иштирок этмаслиги лозимлиги мазмунидаги хукукий норма киритилиши лозим.</p>	үзининг якуний фикрини айтиб бўлган бўлади ва суднинг хукмидан норози бўлган тарафнинг берган шикояти бўйича юкори инстанцияда ишлар кўрилишида айнан ўша прокурорнинг иштирок этиши ишни тўғри ҳал этилиши, қолаверса, холислик нуқтайи- назаридан ҳам тўғри келмайди.
4		<p>409¹-модда. Прокурорлар гурухининг иштироки.</p> <p>суд муҳокамасида прокуратуранинг бир неча мансабдор шахслари ва бир иштирок этиш ва зиммаларидағи процессуал хукуқ ва мажбуриятларни тақсимлаш хуқуқига эга.</p>	Германия Жиноят-процессуал кодекси 227-моддаси
5	<p>449-модда. Тарафлар музокарасининг мазмuni ва тартиби.</p> <p>Тарафлар ўзларининг нутқларида суд терговида кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмас. Текшириш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим бўлса, тарафлар суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.</p>	<p>449-модда. Тарафлар музокарасининг мазмuni ва тартиби.</p> <p>Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан сўзга чиқишлари мумкин.</p>	Россия Жиноят-процессуал кодексининг 337-моддасида тарафларнинг мулоҳаза ва эътиroz билдириш хукуки келтирилган бўлиб, бир марта деб чеклаб кўйилмаганлигини кўришимиз мумкин.
6	<p>409-модда. Суд муҳокамасида прокурорнинг иштироки</p> <p>Суд муҳокамаси натижасида прокурор суд</p>	<p>409-модда. Суд муҳокамасида прокурорнинг иштироки</p> <p>Суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови</p>	Қозоғистон ЖПКнинг 337-моддасига кўра, прокурор амалдаги

	<p>тергови маълумотлари судланувчининг айбизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айловдан тўла ёки қисман воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт.</p>	<p>маълумотлари судланувчининг айбизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айловдан тўла ёки қисман воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт.</p>	<p>конунлар ва ўзининг ички ишончига асосланиб, судда кўрилган ва исботланган холатлардан келиб чиқиб, давлат айловини қувватлайди. Шунингдек, прокурор айловни ўзгартириши хам мумкин. Агарда суд мухокамаси давомида судланувчининг айби йўқлиги исботланса, прокурор давлат айловидан қисман ёки тўлалигича воз кечиши мумкин.</p>
7	<p>409-модда. Суд мухокамасида прокурорнинг иштироки Прокурорнинг айловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишга сабаб бўлади</p>	<p>409-модда. Суд мухокамасида прокурорнинг иштироки Прокурорнинг айловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишга <u>сабаб бўлиши мумкин</u>.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида “...прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча холатларни аниқлаши шарт” деган ҳақиқатни аниқлаш принципи мавжуд. Лекин ЖПКнинг 409-моддасида қайд этилган прокурорнинг айловдан воз кечганлиги суд томонидан ишни реабилитация асосларига</p>

		кўра тугатилишига асос бўлиши судга юклатилган мажбурият саналиб юкоридаги принципга хам зид саналади. Шу сабабдан, “реабилитация қилиш” хуқуқий нормани императив эмас, диспозитив кўринишга келтиришимиз лозим.
--	--	---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОNUНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТҮҒРИСИДА

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон; 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон, 01.12.2020 й., 03/20/651/1577-сон; 26.12.2020 й., 03/20/658/1670-сон; 13.01.2021 й.,

03/21/664/0014-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; 15.01.2021 й.,
03/21/667/0035-сон; 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон; 18.02.2021 й.,
03/21/675/0126-сон; Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й.,
03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й.,
03/21/711/0825-сон; 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон, 30.10.2021 й.,
03/21/726/1001-сон, 07.12.2021 й., 03/21/735/1141-сон; 16.02.2022 й.,
03/22/754/0134-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон, 12.04.2022 й.,
03/22/762/0290-сон, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон) қуидаги ўзгартиш ва
қўшимчалар киритилсин:

1) Қуидаги мазмундаги **33-модда биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

прокурор – ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширув,
суриштирув ва тергов органларининг қонунларга амал қилиши устидан
назоратни амалга оширадиган, дастлабки терговни амалга оширишда
ваколатли бўлган, айлов хулосаси ва далолатномасини тасдиқлаб, судда
давлат айловини қўллаб-қувватловчи ёки айловдан воз кечиш орқали
қонунийликни таъминловчи, амалдаги Кодексда белгиланган ваколатларга
эга бўлган мансабдор шахсдир.

2) Қуидаги мазмундаги **408¹-модда** билан тўлдирилсин:

Судларда жиноят ишлари биринчи инстанция тартибида кўрилганда
прокурор иштирок этади.

Ишлар кўрилишида:

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди биринчи инстанциясида –
тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурори, Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий прокурори, туман (шаҳар) ҳамда туман
прокуратураларига тенглаштирилган, худудий ҳарбий, транспорт ва
ихтисослаштирилган прокурорлар томонидан ваколат берилган прокурорлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси
жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент
шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи
инстанциясида - тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Транспорт прокурори ва юқори турувчи прокурорлар томонидан ваколат берилган прокурорлар.

3) Қуйидаги мазмундаги **78-модда тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

бир инстанция судида иштирок этган прокурор юқори инстанция судларида ишни такоран кўрилишида иштирок этмаслиги лозимлиги мазмунидаги ҳуқуқий норма киритилиши лозим.

4) Қуйидаги мазмундаги **409¹-модда** билан тўлдирилсин:

суд муҳокамасида прокуратуранинг бир неча мансабдор шахслари ва бир иштирок этиш ва зиммаларидағи процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлаш ҳуқуқига эга.

5) 449-модда учинчи қисмида келтирилган “яна бир мартадан” сўзи чиқариб ташлансин.

6) 409-модда тўртинчи қисмига “айловдан” сўзидан сўнг “тўла” ва “қисман” сўзлари киритилсин.

7) 409-модда тўртинчи қисмида қайд этилган “сабаб бўлади” сўз бирикмаси “сабаб бўлиши мумкин” деб ўзгартирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасига ТУШУНТИРИШ ХАТИ

I. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши асослари

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 90-бандида барча даражадаги прокуратура органларининг аҳоли олдида ҳисбот бериш тизимини жорий этиш мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши белгиланган бўлса, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг “2.3. Маъмурий ва жиноят қонунчилигини такомиллаштириш” қисмидан ўрин олган 52-бандида Судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш вазифаси белгиланган.

2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармонининг 1-иловасида қайд этилган 17-мақсадга кўра, бугунги кунда қонунийликни қатъий таъминловчи, очик ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун — устувор, жазо — муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш; Тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизmlарини жорий этиш бугунги кундаги ислоҳотларнинг бош устувор вазифаларидан саналади.

Шу муносабат билан тегишли ташкилотлар ва масъул идоралар билан ҳамкорликда мазкур Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

II. Қонун лойиҳасини қабул қилишнинг зарурлиги

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиши ва қабул қилиш зарурати қўйидагилардан иборат:

биринчидан, хориж тажрибаси ва бугунги қун талабидан келиб чиқиб, прокурорнинг жиноят судларидаги иштирокини янада такомиллаштиришга

эҳтиёж туғилмоқда;

Иккинчидан, прокурорнинг жиноят судида иштирокининг самарадорлигини янада ошириш ва мавжуд хуқуқий бўшлиқларни тўлдиришга талаб кучаймоқда.

Қонун лойиҳаси қабул қилиниши асосида қуйидаги натижаларга эришилади:

судларда жиноят ишларини кўришда прокурор иштирокини кучайтиришнинг назарий ва амалий жихатлари жиноят-процессуал хуқуқий нуқтаи назардан ёритилиб, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали унинг янада мукаммаллашишига эришилади.

IV. Кутилаётган натижалар

Қонун лойиҳаси қабул қилиниши асосида қуйидаги натижаларга эришилади:

амалдаги қонунчилигимизда жиноят процессида иштирок этувчи субъект прокурорга хуқуқий таъриф берилмаганлиги сабабли унинг таърифини амалдаги ЖПКга келтириш лозимлиги;

жиноят процессида давлат айловчиси тушунчаси чиқарилиб, прокурор сўзигина ишлатилиши таклиф қилинганлиги;

биринчи инстанция сифатида кўриб чиқаётган суднинг хусусиятидан келиб чиқиб қайси прокурор иштирок этиши лозимлиги бўйича маҳсус нормаларни киритиш таклифи берилганлиги;

ишнинг мураккаблиги ва долзарблигини инобатга олиб, айловни давлат айловчилари гурӯҳи томонидан қувватлаш амалиётининг назарий асосларини такомиллаштириш таклифи асослантирилганлиги;

прокурор ва ҳимоячига тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларига истаганича реплика қилиши мумкинлиги бўйича қонунчиликка таклиф берилганлиги;

жиноят-процессуал қонунчилигига айловдан тўла ёки қисман воз кечиши тушунчаларини киритиш лозимлиги хорижий тажриба билан асослантирилганлиги;

прокурорнинг позицияси айлов хулосасида ёки айлов далолатномасида ифодаланган позициядан фарқ қилган тақдирда, давлат айловчиси бу ҳақда унга давлат айловини қўллаб-қувватлашни топширган прокурорни зудлик билан хабардор қилиши лозимлиги ҳақидаги қоида ўрнатилиши асослантирилганлиги.

V. Қонун лойиҳасининг синовдан ўтказилгани:

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси
project.gov.uz сайтига ID-_____сон билан жойлаштирилиб, тегишли
вазирик ва идорлар билан келишилди.

VI. Молиявий харажатлар:

Мазкур Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Давлат
бюджетидан қўшимча маблағ талаб қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Н.Т.Йўлдошев